

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 5 (6951-6952)
1999 йил 2 февраль, сешанба

Сотувда эркин
нархда

Биз синфимизда «Ал-Бухорий» деб номланган кеча ўтказдик. Кечани она тили ва адабиёт ўқитувчиси Саломат опа Ёрова олиб бордилар.

Биз Ал-Бухорийнинг ҳаёти ва ижодини пухта ўргандик. Чунки кечада мактабимизнинг барча

ўқитувчилари ҳамда бошқа мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчилари қатнашиши

ҳақида хабар топгандик-да. Шунинг учун ҳам бобомиз ҳақида ёзилган кўшимча адабиётлар, тур-

«Ал — Бухорий» кечаси мактабимиз бўйича биринчиликни олди. Ва мактабимиз раҳбарлари томонидан ҳаммамизга мақтов ёрлиқлари топширилди.

Ал-Бухорийнинг бобомизга

тарихимизни ўргандик

Дилафрўз
КАРИМОВА,
Вобкент
туманидаги
27-
мактабнинг
9-«Б»
гимназия
синфи ўқувчиси.

ли китобларни топиб ўқидик ва билганларимизни йиғилганларга сўзлаб беришга ҳаракат қилдик.

ТАКЛИФ



Қайси синф 10та «Тонг юлдузи» олади?

Ассалому алайкум «Тонг юлдузи»! Мен сенга ўз синфдошларимни таништирмоқчиман. Биз Мирзо Улуғбек номи 22-ўрта мактабнинг энг шиддаткор ва аълочи ўқувчиларидан биримиз. Биз она тили ва адабиётни жуда севамиз ва шу фанлар бўйича чуқур билимлар оламиз. Энг аълочи ўқувчилардан Феруза, Муқаддам, Мадина, Хуршида. Мен ҳам шулар қаторидан жой олганман. Ўғил болаларимиз ҳам йўқ эмас. Масалан: Бобур, Абдумалик, Хасанбой, Шухрат, Аъзам. Улар ўқиш билан биргаликда шеър ҳам ёзишади. Қолганлари паст баҳога

ўқишаркан, деган ҳаёлга борма. Қолган ўқувчилар ҳам жуда тиришқоқ. Минг марта эшитгандан бир марта кўрган яхши.

Қадрдон «Тонг юлдузи», сени биз ўз мактабимизга ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ!

Зухра ЖУМАНАЗАРОВА,
Наманган вилояти.


ТАХРИРИЯТДАН:
Зухраҳон, таклиф қилганингдек, «Тонг юлдузи» сенинг мактабига албатта боради. Аммо таҳририят ходимлари ҳар бир синф ўқувчилари ўрта «Тонг юлдузи»га обуна бўлган мактабга боради. Сизларда эса ҳозирча обуначилар кам экан. Ҳали ҳам кеч эмас, чунки «Тонг юлдузи»га йил бўйи обуна бўлиш мумкин. Ўз газетангизга ёзилишга шошилинг.

ЧЕВАРЛИККА ЕТКАЗСИН

Чунки онам Башорат Мухамедова тикувчилар. Бизга тикиш — бичишни доим ўргатиб борадилар. Ўзим ҳам онамнинг тикиш — бичишларини диққат билан кузатаман. Ҳозир мен кўйлак тикишни ҳам ўрганиб олдим. Онамга бирор киши кўйлак ёки халат тикишни буюрса мен дарров унинг осон чокларини тикишга бошлайман. Менинг дугонам Фотимахон ҳам мендай чевар бўлмоқчи. У менинг қилган ишларимни тўғри, ҳозирча секинлик билан ўрганипти. Чунки чеварлик бирдан

бўлмади-да! Онам бизларни «чевар қизларим», — деб мақтасалар, чеварликка етказсин, — деб шу қадар севиниб кетамизки, буни тил билан ифодалаш қийин! Энг асосийси, биз худди шу мақтов сабаб, яна завқ — шавқ билан бошқа кийимларни тикишга киришамиз.

Зухра ШАРИПОВА,
Гиждувон туманидаги
Садриддин Айний
номли 4-мактабнинг
6-«Б» синф ўқувчиси.



Ўзим ўқувчи бўлсам ҳам тикувчиликни яхши биламан.

Ота-она учун ҳамма бола ҳам бирдек азиру, лекин қиз боланинг ўрни, меҳри кўрки ўзгача бўлади. Қиз бола оилада нафақат онага балки отага, ака-укаларига ҳам мунис кўмақдошдир. Қиз бола бор хонадон озо-

да, файз-тароватли, кишининг завқу шавқини келтирувчи даражада орас-

ҚИЗ БОЛА

та бўлади. Қиз болалар юриш-туриши, саранжомлиги, одоби билан бошқаларга ўрناк бўлади. Лекин ҳозирги кунда қизларда ўзбекларга хос андиша йўқолиб кетаяпти. Улар ҳозир рўзгор сирларини турмуш сабоқларини ўрганиш ўрнига, мода кетидан қувишади. Ҳатто ўзбек қизларининг орасида сигарет чекадиганлари ҳам йўқ эмас. Мен бу би-

лан ҳамма қизлар ҳам шунақа демоқчи эмасман. Лекин ўзимизнинг Кумушбиби, Раъноларга ўхшаш ҳаёли, дидли, иродали, жасур ва фаросатли қизлар камдан-кам учраяпти. Шоиримиз ёзганидек:

*Қиз бола бор уйда булбул сайрайди,
Қиз болани кўриб кўнгил яйрайди.
Қиз бола ҳуснидан андоза олиб
Олма, анор боғда гуллаб яшнайд.*

Сурайё ШОБОБОВА,
274- мактабнинг 7-«Б»
синф ўқувчиси.

ЯНГИ МАКТАБ ОРЗУСИ

Мен бу йилдан бошқа мактабга ўтишга мажбур бўлдим. Ўзим ўқиган мактабимнинг деворлари зўрға турибди. Бир амаллаб ёғоч билан суяб кўйишган. Мактаб ичкарисини эса айтмаса ҳам бўлади. Мен каби ўртоқларим ҳам замонавий мактабларда ўқишни хошлашади. Аммо туманимиз катталарининг нигоҳи ҳали бизнинг мактабга тушганича йўқ.

Айниқса қиш кунларида у ерга қатнаб ўқишимиз янада қийин бўлаяпти. Эски мактабимиз ўрнига янги мактаб куриб беришармикан? Мен-ку бошқа мактабга ўтиб кетдим-а, аммо синфдошларим мактабни тугатгунича ҳам янги мактаб орзусида яшашармикан?

Жўрабек РЎЗМАТОВ,
Хоразм вилояти, Хазорасп
туманидаги Ибн Сино номи
мактаб ўқувчиси.

САХОВАТЛИЛАР

Бизнинг қишлоғимизда саховатпеша кишилар жуда кўп. Улардан бир гуруҳи яқинда илм масканимизга ташриф буюриб, мактаб ҳаёти билан танишдилар. «Нурмуҳаммад» фермер хўжалиги раиси О. Нуриев 5 минг сўм, «Равшан ота» фермер хўжалиги раиси З. Равшанов 4 минг сўм, «Хўжаобод» фермер хўжалиги раиси А. Сўлаймонов 5 минг сўм, «Самат Мирзаев» фермер хўжалиги раиси И. Қодиров 2,5 минг сўм мактаб учун ҳада қилдилар. «Умар Сайид» фермер хўжалиги раиси М. Умаров ўқитувчилар жамоасини «Маърифат» рўзномасига обуна қилганликларини айтдилар. Булардан тушган пуллар мактабни таъмирлаш, ўқитувчи ва ўқувчиларни моддий таъминлаш ишларига сарфланади. Аммо биз ўқувчилар бироз хомуш тортидик. Чунки ҳеч ким «фарзандларимиз билимини оширишда «Тонг юлдузи»нинг ҳам ўз ўрни бор», — демади...

Ойбек ШОХЎЖАЕВ,
Қашқадарё вилояти,
Чирокчи туманидаги А. Хўжаев номи
мактаб ўқувчиси.

Мактабимизда ошхона йўқ. Бори ҳам талабга | асло жавоб бермайди. Бир неча йил олдин тамал-тоши кўйилган ошхонамизнинг эса ҳалигача томи йўқ. Бу «йўқ», «йўқ»лар орасида яна биз-

Бир мактабдан қўш мактуб

ОШХОНА ҲАМ ЙЎҚ, СПОРТ ЗАЛИ ҲАМ...

ГАЗЕТЖОН ТАҶКИД ҚИЛАДИ

да спорт зали ҳам йўқ. Жисмоний тарбия дарсида синфда шашка ўйнаб ўтирамыз. Зора биздан жаҳон шашкачилари чиқса... Аммо бунга ҳам ишонмайман. Чунки шашка мусобақалари синфимиздан ташқарига чиқмайди-да!

Салом «Тонг юлдузи»!

Мен сенинг ҳар бир сонинг-ни ўқиб бораман. Сенга омад ёр бўлсин. Ўртбошимиз 1999 йилни Аёллар йили деб атадилар. Бу йилдан умидимиз катта.

Қишлоғимиз номи Пешқўрғон. 20 минг аҳолиси бор. 1999 йил Аёллар йилида аёлларга яна қийин бўлмасин-да! Қиш кунлар, печ- Айниқса рида эрталаб қага ўтин ёқ... Бизнинг қишлоққа қачон газ келаркин? Қачон дарс тайёрлаётган ёки билим олаётган пайтимизда пахталикларга ўралиб ўтирмаймиз-а?..
Аъзамжон АБДУЛЛАЕВ,
Шухратжон СОАТАЛИЕВ,
Хасанбой ЖУМАНАЗАРОВ,
Наманган вилояти, Чортоқ туманидаги
Мирзо Улуғбек номи 22-мактабнинг
7-«А» синф ўқувчиси.

Мадҳия — қалб қўшиғи

Мактабнинг қутлуғ остонасини ҳатлаб ўтишим билан мусаффо Қарши осмони остида жисмоний машқлар бажариб туришган биринчи синф ўқувчиларига дуч келдим.

Бахтиёр ва беғубор болалик йиллари... Топқирлик, кузатувчанлик ва поклик йиллари... Рост, худди ана шу сонияларда мен болалик онларимни жуда-жуда соғиндим. Бир неча дақиқа бўлса-да, хаёлан болалик онларимга қайтдим...

Гулжаҳон опа Тўйметова деган ажойиб бир муаллимимиз бўларди. Бир-биримизнинг кўлларимизни тутқазиб, ўзлари ҳам бизлар билан баб-баробар «сичқон-мушук» ўйнардилар. Ўйинимиз қизигандан-қизиби кетарди... Гулжаҳон опанинг оламдан ўтганларигаям анча бўлди. Илоё, жойлари жаннатда бўлсин!..

Хаёлларимни бир жойга жамлаб ширингина бир сариқ сочили боладан сўрайман:

— Исмингни айт!

— Исмин Володя! — дейди у соф ўзбекона талаффузда.

— Володя, сен юртимиз мадҳиясини биласанми? — яна сўрайман.

— Серкўёш хур ўлкам, элга бахт нажот...

— Володя мадҳиямизни бошдан охиригача рус тилида эмас, соф ўзбек тилида мағрур ва кўтаринки бир оҳангда айтиб берди.

— Мактабда юртимиз мадҳиясини айтасизларми? — сўрадим гир атрофимизни ўраб олган ўзбек ва рус болалардан. Уларнинг бири кўйиб, бири гапиришади:


— Ҳар душанба кун эрта билан айтаммиз...

— Ҳар душанба кун эрта билан юртимиз байроғини кўтарамиз.

— Ҳар шанба кун дарсдан сўнг юртимиз байроғини тушираммиз...

— ...

Ҳа, Ватанга меҳр-муҳаббат ҳисси болаларимизга илк ёшлик онлариданоқ сингдирилмоғи керак. Бу улуг ва савобли ишни мактаблармиз муаллимларимиз асло амалга ошириб бўлмайдим. Бу иш худди Обид Содиқов номли 17-ўрта мактабдагидек барча мактабларимизда ҳам аъло даражада йўлга қўйилмоғи лозим.



Қарши туманидаги Обид Содиқов номли 17-ўрта мактабда айни кунда 1194 нафар ўқувчи таълим олмақда. Уларга 117 нафар муаллимлар илму-одоб ўргатаётир. Бир неча йиллардан буён илғорлар сифидан тушмай келаётган ушбу жамоада бири-бирдан ибратли қатор ижобий ишлар амалга оширилаётир. Жамоатчи муҳбиримиз Абдували Обиддин шу мактабдан ҳикоя қилади.



Музейлар — мангулик тилсоли

Музейларнинг ҳаётимизда тутган ўрни беқиёс даражада катта. Музейлар азал-азалдан ўтмиш билан бугунги ҳаёт ўртасидаги муносабатларни узвий боғлаб турувчи кўприк вазифасини бажариб келган. Буюк овар шоири Расул Ҳамзатов музейлар хусусида «Ҳар бир тарихий музей барча музейларнинг отасидир» деган ўта доно фикрни айтганди. Дарҳақиқат, тарихий музейлар давлат ва миллатнинг ўтмишдаги маънавият ва маърифат даражасини, унинг жаҳон ҳам жамиятидаги ўрнини белгилаб беради.

Биз тарихий музейларга саёҳат қиларкан-

миз, қадим аждодларимизнинг яшаш ва меҳнат тарзлари билан танишамиз ва уларнинг миллий анъаналари, қадриятлари ҳақида тасаввурга эга бўламиз. Бизнингча ҳам, музейлар мангулик тилсоли, ва шу билан биргаликда тарбия ўчоқлари ҳамдир.

Обид Содиқов номли 17-ўрта мактаб жамоаси ҳам юртимиз истиқлолга юз тутиши билан мактаб тарихий музейини бунёд этиш ишига бел боғладилар. Бу борада мактабнинг тарих фани муаллимлари Мўйиддин Азизов, Муҳаббатхон Эркаевалар кўпчиликка бош бўлишди. Ўқувчилар, ўқитувчилар, кўп сонли ота-оналар турли-туман ноёб кўргазмаларни

мактаб музейига келтириб топширдилар.

«Интилганга толе мададкор». Мана, мактабда бинойидек тарихий музей бунёд этилди. Қадим уй-рўзғор буюмлари, иш ва ов қуроллари, турли даврларга оид пуллар, зебу-зийнат буюмлари, унутилган миллий либосларимиз, боринги, ўқувчиларни қизиқтирадиган бир олам кўргазмалар...

Мактаб жамоаси ўзаро туташ икки хонадан иборат музейларининг бир хонасини юртимиз мустақиллигига ва мактаблари тарихига оид кўргазмалар билан жиҳозламоқдалар.

ФИАЛИДАНИНГ ТОТЛИ ТАШВИШЛАРИ

Мактабда айни кунда роппа-роса 50 та синф бўлиб, уларнинг 7 тасида таълим-тарбия рус тилида олиб борилмоқда. Биз мактабда бўлганимизда жамоа аъзолари бошланғич таълим ўқитувчиси Цой Фиалида Николаевна хусусида айниқса илик сўзларни айтишди.

Мактаб директори Исомиддин ака Исломовдан бизни худди ана шу фидойи муаллим билан учраштиришларини сўрадик. Мактаб директори бизни Фиалида домланинг хоналарига бошлади.

Мана сизга замон талабларига мос жиҳозланган бошланғич таълим хонаси. Аслидаям, ўқитувчининг ўз касбига, фанига бўлган қизиқишини ҳам унинг ўз кўллари-ю, қалб амри билан жиҳозлаган фан хонасидан билиб олиш мумкин.

Муаллима Фиалидахон жиҳозлаган хона бошланғич синф ўқувчиларига мос эртақлар асосида безатилган. Хонада математик тасаввур ва логика тушунчаларига алоҳида эътибор қаратилган. Ўқувчиларнинг қўл меҳнати ишлари мафтункор бир тарзда намойиш этилган.

— Юртимиз истиқлоли менга куч ва эрк бахш этди, — дейди муаллима биз билан бўлган суҳбатда, — мустақиллик шарофати билан дарсларимда янгидан-янги услубларни қўллайман. Кўп ҳолларда ноанъавий усулларда, турли-туман ўйинлар орқали дарс ўтаянман...

Фидойи муаллима бир неча бор ўзи ясаган кўргазмаларни қуроллари ва ўзи жиҳозлаган «бошланғич таълим хонаси» билан туман ва вилоят кўрик-танловларида иштирок этди.

Обид Содиқов номли 17-ўрта мактабда «Кўғирчоқ театри»ни илк бор ташкил этган муаллима ҳам Цой Фиалида Николаевна эканлар. У ҳозир ҳам ўзининг фан хонасида махсус «Кўғирчоқ театри» ташкил этган.

Эл севган муаллима Цой Фиалида Николаевнанинг педагогик жамоада ҳам, маҳалла-куйда ҳам обрў эътибори баланд. Ҳа, шундай: «меҳнат қилган — элда азиз» деб бежиз айтилмаган-ку, ахир!

РАҲМАТ, УСТОЗ!

Халқимизда «Устоз — отангдай улуг» деган нақл бор. Дарҳақиқат шундай. Мен она тили ва адабиёт, математика, француз, рус тили фани ўқитувчиларини яхши кўраман. Шулар орасида она тили ва адабиёт фанидан дарс берадиган устозим Темирой опа Садриеванинг дарсларини кунт билан тинглайман. У киши бизларга чуқур билим берадилар. Устозимиз бизга дарс ўтаётганларида ўқувчиларга, жон куйдириб, ҳар бир гапнинг маъини чақиб тушунтирадилар. Устозимга тилагим шуки, у киши ҳамиша соғ-омон бўлсинлар. Эзгу ишларида ҳеч қачон толмасинлар.

Эй азиз муаллим, муҳтарам устоз!

Илм фан ўчоғин зиёкорисиз.

Маърифат боғининг боғбони мумтоз,

Билимдон авлоднинг бунёдкори — сиз.

Қайноқ қалбингизда оташин илҳом,

Меҳрингиздан қониб ўсамиз дуркун.

Сизга таъзим ила битмоқлик қалам,

Мендек бир шогирдга шарафдир бугун.

Муборак номингиз тилларимизда,

Сизни олқишлаймиз эй табаррук зот.

Чароғон нур сочиб йўлларимизда,

Мангу порлайверинг тургунча ҳаёт.

Гулсал ШАРИПОВА,

Бухоро вилояти,

Ғиждувон туманидаги

Садриддин Айний номли

4-ўрта мактабнинг 6-«Б»

синф ўқувчиси.

Кўнглимнинг ичида
ўттиз йил юрдим
Ўттиз йил ташнайдим
бир буюк сўзга
Ниҳоят, ўттиздан
ошганда билдим
Суянчим йўқ экан
Ватандан ўзга
Мен Ватан ҳақида ёза-
йин десам

На кучим етади,
на истъёдомим
Ватанни кўрдим мен
отамни кўрсам,
Минг йиллик қувончим,
минг йиллик додим

Дарҳақиқат, шоир Эшқо-
бил Шукур айтганидек, Ва-
тан сўзи олдида ҳамма на-
рса ўз кадрини йўқотади.

Ох, Ватан сен тўғрингда
ёзайин десам, кучим ҳам, ис-
теъёдомим ҳам етмади. Ана
шундан билдимки, менга сен-
дан ўзга суянчим йўқ экан.

Ҳар гал «Ватан» деган та-
баррук сўзни тилга олар экан-
ман, қалбимни исмсиз
туйғулар чулғаб олади. Бу
муқаддас сўзнинг ҳар бир ҳарфи
бир олам меҳр бўлиб етмиш икки
томиримдаги иссиқ қон жон
бўлиб, жисмимга сингиб бора-
веради.

Ва, ишонамизки, бу меҳр биз-
ни ҳаётдан кўз юмган чоғимизда
ҳам тарк этмайди. Биз муздек
жисмимизни яна киндик қони-
миз тўкилган Ватан тупроғига
топширамиз.

Эркаланиб ётади у Ватан
тупроғида
Ёш бола ётгандек она-
нинг кучоғида...

Ватанни яхши кўришни би-
рор марта ўйлаб кўрмаган чўпон,
ҳар гал қадрдон яйловини
кўрганда, янтоқлардаги шудрин-
гни эндигина чиқаётган қуёш
нурларида титраётганини
кўрганда, шу гўзалликни яна
кўриш насиб этгани учун
Оллоҳқа шукрона айтади. Ана
шу шукронанинг ўзи Ватанга
муҳаббат эмасми?!

Ҳар бир инсон яшайдиган уйи,
ўрни ҳаёт тақозоси билан ўзга-
риши мумкин. Лекин одам бир
умр ўзи туғилиб ўсган жойга
талпиниб, интилиб ўтади. Инсон
ҳар қандай ўзга сўлим
оромгоҳда ҳам зерикади, ўз уй-
ига, ўз Ватанига энтикиб яшай-
ди.

Канадага борган Шукур ака
шерикларининг таклифи билан
шахарни айланишга чиқадилар.
Бир дўконга киришганларида
бири-биридан чиройли сумкалар
териби кўйилганди. Дўкон сотув-
чилари рус тилини билишар
экан.

— Менга мана шу сумкани
кўрсатинг, — дўкончи аёлдан ил-
тимос қилди Шукур ака. Дўкончи
икки хил рангдаги сумкаларни
олиб берди. Шукур ака сумка-
ларни кўриб улгурмаган ҳам
эдики, унинг елкасидан кимдир
оҳиста туртаётганини сезиб,
орқасига ўтирилди.

— Кечирасиз амаки, сиз Ўзбе-
кистонданмисиз? — деб кимдир
соф ўзбек тилида сўради. У ча-
маси 30 ёшларда эди.
Кўринишдан аёл Канаданинг
мартабали кишилар хонадони
аъзосига ўхшарди.

— Ҳа, Ўзбекистонданман,
ўзингиз-чи? Сиз ўзбекмисиз? —
Шукур ака хижолат торгандай
бўлди.

— Ҳа, мен ўзбек қизиман.
Амаки, Ўзбекистоннинг қаери-
дансиз?

— Бухородан.
— Кечирасиз, Андижонга ҳам
бориб турасизми? Андижонлик-
ларни балки танирсиз?

— Андижонга анчадан бери
борганим йўқ, ростини айтсам,
Андижонда танишим йўқ, —
деди Шукур ака.

— Афсус, — деди қиз тарву-
зи қўлтигидан тушиб.

— Нега сиз Андижонни су-
риштирасиз. Асли андижонлик-
мисиз?

— Ҳа, Андижонликман турмуш
тақозоси... Москва Давлат До-
риффунинида ўқиётган даврим-
да канадалик йигит билан тани-
шиб қолдим, бир-биримизга
кўнгли бердик. Ўқшни тугатгач,
тўйимиз бўлди. Амакижон, ота-
юртимни жуда-жуда соғиндим,
— қизнинг тимқора кўзларидан
қалқиб чиққан ўкинч ёшлари
ёноғини ювиб кетди.

Шукур ака унинг кўнглини
кўтариш, қалб ярасига малҳам
қўйиш мақсадида «олиб кетай-

ми Ўзбекистонга», — деди. Қиз
эса турмушининг яхшилиги, қош-
наларда яшаётганлиги, ейиш-
ичишга, кийинишга зор эмасли-
гини, қайнона ва қайноталарини
қаттиқ ҳурмат қилиши, шунингдек
эри ҳам уни кўярга жой топол-
маслиги хусусида сўзлаб берди.
Шунда Шукур ака ундан сўради:
— Нега унда кетишга интизор-
сиз?

— Амакижон, агар турмуш
ўртоғим рози бўлиб, мен билан
Ватанимга қайтса эди, Андижон-
нимга бориб, ота-онамни,
дўстларимни, ака-укаларимни она
тупроғимни дийдорига тўйсам, она

тупроғимни, киндик қоним тўкилган
Ватанимнинг бағрида яшасам,
яшнасам.

Ўз Ватанимга, ўз уйимга со-
чларимни супурги, қўлларимни ка-
сов қилиб, елиб югуриб хизмат
қилсам... — кўзларидан дув-дув ёш
тўкилди, аёлни.

— Йигламанг синглим, тақдир
деб шунга айтишади. Қиз бола ба-
рибир ота-онаси билан яшамай-
ди-ку.

— Амакижон, ўз Ватанинг
бошқа-ю, бегона юрт, ўзга Ватан
бошқа экан.

Ҳа, азиз дўстлар Ватан туйғуси
шундай ширин, шундай азиздир.
Агар инсон шу муқаддас туйғуга
содиқ бўлса, демак, у оиласига,
ота-онасига, она Ватанига содиқ
бўлиб қолади. Фидойилик ва ин-
сонийлик худди шу нарса билан
ўлчанади. Ватанга хиёнат қилган
одамда ана шу хислатлар узок ту-
ради. Ватанфурушда виждон ҳам,
иймон ҳам, ор-номус ҳам йўқ.

Юқоридаги ҳикоя доно
халқимизнинг «ўзга юртларда шоҳ
бўлгандан кўра, ўз юртингда гадо
бўл» деган ҳикматининг нақадар
тўғри эканини тасдиқлайди. Ин-
сон учун Ота-Ватандан улугроқ, ўз
оиласидан севиқлироқ макон йўқ.
Ватанимда юрганимда эл юртинг
билан ҳамнафас яшаётганимда
юрақ қонингда жўш ураётган, бу-
тун танангда айланиб юрган бу
хиссиёт ортиқча безовта қилмай-
ди. Ватанимдан узоклашганда эса
бу туйғу қудратини сезасан. Бего-
на юртда юриб, юрагинга безов-
талиқ бахш этган туйғу инсонни
қийнайди, эзади, эритади.

Киндик қонинг тўкилган жой,
ота-она меҳри, Ватан туйғуси она
сути билан киради. Шунинг учун
инсон тирик экан, бу меҳр, бу
туйғу унинг қалбида мангу яшай-
ди.

Биз қайдан келдик ва
қаён кетурмиз?
Биз ўздан келганмиз.

Ўзга кетурмиз
Бизни кутгувчи ва
кузатувчи ким?

Ватандир. Ватан! Бу дунёда руҳ
учун энг буюк топилма нима? Ва-
тан. Ўзини билганлар билан — Ва-
танинг Ватани юракларимиз.

Энг буюк севгига
яраса юрак, —
Ватанни севажак
Энг олий қайғуга
яраса юрак, —

Ватан деб қайғуражак
Ватанинг олдида ҳамма тенг
ва баробардур.

Ватан оstonадан бошланади.
Ватан — туғилган уйдан ва
қўшлоқ кўчалардан бошланади.

Ватан-она алласидан бошлана-
ди. Илк бора гўдак дунёга кел-
ганда Ватан туйғусини ҳис қила
бошлайди. Ёш гўдакнинг қалбида,
юрағида Ватан деган ажойиб туйғу
жўш уради.

Шу Ватан заминида илк бор
тетапоқ қадамларимизни қўямиз.
Ватанинг бир қисм тупроғи ол-
тиндан-да азизлиги шундандир бал-
ки. Биз шу замин, шу юрт фар-
зандимиз.

Шу ўринда мухтарам юртбоши-
мизнинг бир сўзларини келтириб
ўтишим жоиз: «Бизда ҳеч ким
ёлғиз эмас. Унинг меҳрибон,
ғамхўри, салоҳияти суянчиғи бор.
Буюк халқи ва мустақил Ватани
бор. Фақат у мард ва ҳалол, фи-
дойи ва чин инсон бўлса бас». Бу
сўзларнинг мағзини қақши керак.
Агар бирлик, ҳамкорлик, фидойи-
лик бўлса юрт обод, Ватан обод
бўлади.

Ўқитувчиларингиз ишқоғидан

Истиқлол! Мен сени
англашим учун
Қодирий умрини
яшамоғим шарт
Магадангача бориб
Усмон Носирнинг
Тўхтаган кўшигин
бошламоғим шарт

ва мардонавор курашган Ватан
фарзандларини унутиш нонкўр-
ликдир.

Ватаним юксаклар сари қадди-
ни кўтараётир. Бу қадди камоллик
азалдан улугворликнинг рамзи
бўлиб келган.

1991 йил 1-сентябр Ўзбекистон



Тарихга назар ташлайлик.
Юртимизга беаёв бостириб
келган Чингизхон бошлиқ Мўғул
истилочиларига қарши кураш-
да афсонавий қахрамон дара-
жасига кўтарилган, Чингизни
лол қолдирган Муҳаммад Хо-
размшоҳ ўғли Жалолиддин Ман-
губердини бутун халқ билади
ва қадрлайди. Мана бугунги
кунда буюк саркардамиз Жа-
лолиддин Мангуберди тавал-
лудининг 800 йиллигини кенг
нишонлаш арафасида туриб-
миз. Республика Вазирлар
Маҳкамасининг қарори эълон
қилинганлиги ҳам Ватанимиз-
нинг буюк фарзандлари шаъ-
нини улуглаш, ёш авлодлар-
ни оталар жасорати руҳида
камол топтириш борасида
қўйиладиган муборак қадамлар-
дан яна бир далолатдир.

Иккинчи жаҳон урушида ўзбек
йигити Тўйчи Эрийгитовнинг
қахрамонлиги тасвирига сўз
топиш қийин. У душман ДЗО-
Тига кўксини очиб кириб, Ва-
танин ҳимоя қилади. Бу
қахрамонлик ҳақида ёзувчи ва
шоир Ашур Али Аҳмад ўғли
«Мен — Ватан ўғлиман» номли
туйғулар достонини яратди. Ва-
танимизнинг мард ва фидойи
инсонларни унутмаслигимиз ке-
рак.

«Ватан — саждагоҳ каби
муқаддасдир. Уни севиш қадр-
лаш зарур бўлса жон фидо этиш
иймон бурчидир...», — дейди.
Юртбошимиз ўз сўзларида.

Бундан кўринадики, Ватан-
нинг ҳар бир қарич ери кўзга
тўтиё, муқаддас тимсоли эса
белга қувват бағишлайди.
Лекин Ватандан айрилиб яшаш
оғир. Буюк саркардамиз
Захриддин Муҳаммад Бобур
Ҳиндистонга бориб, империя
давлатини бошқаради. Лекин у
доимо Ватан ишқида ёниб, куй-
иб яшайди. Ҳамиша Андижонга
интилади.

Олис Ҳиндистонда
Ватан ишқида
Шоҳ Бобур аламга
куйиб ўтди, оҳ
Чунки киндик қони том-
ган

Андижон
Тахтдан азиз эди мисли
Саждагоҳ

Тақдир тақозоси билан хо-
рижда қолиб кетган Фурқат
ўзини адашган итга ўхшатиб,
ҳамиша Ватанни кўмсаб яшай-
ди.

Ана шулардек, Ватанга фи-
дойи, садоқатли инсон бўлиб
етишмоқ биз ёшлар учун ша-
рафли вазифадир. Ота-Ватани-
миз мустақил бўлди. Унинг эр-
таси ҳам, унинг ютуғи ҳам,
халқаро обрўси ҳам, шўхрати
ҳам биз келажақ ёшлариники,
биз ёшлар ҳаёт эстафетасини
олиб, ўзимиздан кейинги авлод-
ларга етказаймиз. Айниқса биз
ёш авлодлар бу вазифани, Ота-
Ватан туйғусини юксак ҳис
этмоғимиз, зарур бўлган
тақдирда Ватан учун жонимиз-
ни фидо қилишга тайёр
бўлишимиз керак. Биз ўғил-
қизлар Ватанга фидойи, содиқ,
садоқатли бўлишни бурч деб
билмоғимиз даркор.

Демак, халқимиз, айниқса,
биз ёшлар шу кўкман давлати-
миз, Ота-Ватанимизга доғ ту-
ширмаслигимиз лозим. Ватан-
га мард, жасур йигит-қизлар
бўлиб туришимиз керак. «Ватан-
ни севоқ иймондандир» деб
бежиз айтмаган. Ҳа, Ота-Ватан
туйғуси бор қалбларда барқ
уриб туриши айна мудародир.

Маърифат ҒАНИЕВА,
Фаргона вилояти,
Бешариқ тумнадаги 9-
мактабнинг маънавият
ишлари бўйича
директор ўринбосари.



Меҳр нури ёғар доим юзингиздан, устозлар...

Рухимга ҳуррият майин ичи-
риб

Куллиқни аёлдай қарғашим
керак
Тилимдан ям-яшил қушлар
учириб
Дилимни худога бошлашим
керак

Ҳўш, шоир бу шеърда нима
деяпти? Аслида истиқлол ягона-
дир. Лекин у инсонда ҳам, халқда
ҳам, Ватан ҳам бир бутун ҳолда,
бўлинмай фаолият кўрсатади.
Истиқлол қалбга ўхшайди

Бу истиқлол учун қанчадан-
қанча Ватандошларимиз курашди-
лар, қон тўқдилар.

Ватан ҳақида сатрлар
битаётганида Абдурауф Фитрат
истиқлол қайғусига айланган эди.
Унинг ғамли юраги озодликнинг
бир томчи шаффоф суви каби Ва-
тан кўзида қалқди. Истиқлол учун
қанчадан-қанча курашдилар.

«Эркин бошқалардир, қамалган
менман,
Ҳайвон қаторида саналган мен-
ман».

Бу сатрлар жувонмарг кетган,
истиқлолнинг хуфёна қатлоғида
қони тўкилган, Истиқлолга эри-
шиш учун мардлик билан кураш-
ган Абдулҳамид Чўлпоннинг юрак
парчаларидир.

Истиқлол замонида чинаккам
шоирларнинг фарёдлари мазлум
миллат овози бўлиб қайғули жа-
ранглаган. Истиқлол бизга осон-
га тушди деганлар ноҳақдир. Ва-
тан озодлиги учун, Истиқлол учун
хатто қафаслар ичида ҳам қайғули

халқининг қалбларида зарҳал ёзув-
лар билан «Мустақиллик» кунини
деб ёзилди. Ватанимиз мустақил
бўлди. Ўзбекистон энди ўз
байроғига, ўз мадҳиясига, ўз гер-
бига, ўз конституциясига эга. Бу
мустақилликнинг асосий белгила-
ридан ҳисобланади. Энг қувонар-
лиси шундаки бизнинг Ўзбекисто-
нимиз мустақил давлат сифатида
Бирлашган Миллатлар Ташкило-
тига аъзо бўлди. Уни бутун жаҳон
таниди. Ватаним мустақилликни
қўлга киритгандан сўнг, ўзи иш
юритадиган, қарор чиқарадиган
бўлишди. Мустақиллик шарофати
билан Ватанимизнинг талон-тароҳ
бўлган, саргардонликда юрган
жавоҳирлари ўз Ватанига қайта-
риб олиб келмоқдалар. Мана бу
йил Вазирлар Маҳкамасининг 1998
йил октябрда Ватандошимиз, бо-
бокалонимиз Исмоил ал-Бухорий,
Аҳмад ал-Фаргоний таваллудининг
1200 йиллигини, Имом Исмоил
ал-Бухорий таваллудининг 1225
йиллигини нишонлаш тўғрисидаги
қарори буюк бобокалонларимиз-
нинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш
илмий меросини излаб топиш ва
Ўзбекистонимизга келтириш бора-
сида кенг имкониятлар дарвоза-
сини очиб берди.

Тахририятдан: Азиз устозлар! Бир соатлик яхши
дарс тўқис-туғал ўқилган китобга тенгдир. Сизнинг
яхши дарс соатларинингиз эса беҳисоблигини би-
ламиз ва мурожаат қиламиз: БИЗГА ВАТАН МАВЗУ-
СИДА ДАРС ЎТИБ БЕРИНГ. ҲАР БИР САТРИНГИЗ
«ТОНГ ЮЛДУЗИ» НАЗАРИДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ.

Дилёрнинг тўртта товуғи бор эди. Биттаси хўроз, учтаси макиён. Яқинда битта макиён йўқолди; эрталаб уйғонишса, товуқхона эшиги қия очилиб қолибди, товуқлар кўноқдан тушиб, томорқада ёйилиб юрган экан. Битта макиён кўринмасди. Тўзғиган пат ҳам йўқ, шубҳали из ҳам кўзга ташланмасди. Тулки олиб кетганми ёки... Муборак рамазон эди, қишлоқда аҳли муслим истиқомат қилади — улуғ айём кунлари қабоҳатга ҳеч ким қўл урмайди. Бироқ, тулки одатда битта товуқни олиб кетса, учтасини жойида бўғиб кетиши керак. Эҳтимол, бозор иқтисодиёти муносабати билан тулкилар ҳам инсофга келиб қолгандир — эҳтиёжга ярашсини олиб, ортиқчасига тегмаган бўлса ажаб эмас. Шунақаси ҳам бўладими? Бўлмаса керак, аммо тулкидан ҳамма нарсани кутиш мумкин. Ахир, у бекорга тулки эмас-да!

«Устоз, деди бир кун тулки тулкига,

Нечун биз нишонмиз доим кулкига?..» (А. Орипов)

Албатта, товуқ тўғрисида ҳар хил гап-сўзлар бошланди. Биров ундай деди, биров бундай деди. Ҳатто: «Ўзи тугмас товуқ эди, тулки хўп ажаб қилибди!» деганлар ҳам бўлди. Қизғин баҳс-мунозара кетаётган пайтларда Дилёр жиддий оҳангда: «Мен ўғрини битта бўлса ҳам, ўнта бўлса ҳам қаматиб юбораман!» деди. «Қандай қилиб қаматиб юборасан?!» дейишди ажабланиб. Эҳтимол, Дилёр учаскавойга ариза бергандир, деб ўйлашди. «Дилёрбек, тулкини қандай қилиб қаматасан?» деб сўради аяси Зуҳраҳон ётиги билан. «Пякуйой бўлганимдан кейин қаматаман!» деди Дилёр ишончли қилиб. «Шунақами...» дейишиб, сир бой беришмади. Ҳеч ким кулмади.

Макиён сирли равишда ғойиб бўлгач, Дилёр ҳар куни хўроз қичқирган маҳалда ҳаммадан илгари уйғонадиган, ҳовлига чиқиб ғариблардан хабар оладиган, товуқхона эшигини ўзи очадиган, товуқларга ўзи дон сепадиган одат чиқарди. Кейин апилтапил нонушта қилади-ю, ҳовлига югуради, ҳовлидан томорқага ўтади — товуқлари кузда тўкилиб қолган дондунларни териб еб юрган бўлса, бармоқларини букиб санаб кўради. «Учта экан», дейди ўзига ўзи. Сўнгра отхонага товуқларни ҳайдаб киритади: «Тухумлайдиган пайт бўлди», дейди. Тovuқлар отхонадаги сомон устига ўтирадилар, хўроз ҳам бир чекага бориб ўтиради.

— Эна, товуқларим ўтиришибди, — деб Дилёр энасига ҳисобот беради.

— Майли, раҳмат, индама бирпас ўтиришсин, — дейди энаси.

Орадан анча-мунча фурсат ўтгач, товуқларнинг қақоғлаган товуши эшитилади-ю, Дилёр сандалда ўтирган жойидан ирғиб туради — отхона томонга югуради. Биринчи бўлиб хўроз ётган жойни текширади: «Туғмабди, ярамас!» деб хўрозни ташқарига ҳайдаб чиқаради. Макиёнлар биттадан тухумлаган бўлса, тухумларни кўз-кўзлаб дам аясига, дам энасига кўрсатади: «Экта тугди!» дейди. Югуриб кўчага чиқиб кетади; боғчага бор-

майдиган ўртоқларини ҳам товуқлари нечта тухумлаганидан хабардор этиб кўяди, агар эринмаса тўрт кўнанинг нариги бетигаги «КВВНОК» боғчасига кириб тенгқурларини ҳам янгиликдан огоҳ этади. Сўнг чолларга тақлид қилиб, катта-катта қадам ташлаб уйга қайтади.

Ҳайит арафасида товуқлар учтадан туғадиган бўлди. Ҳа, чамаси, хўроз ҳам макиёнларга қўшилишиб туғадиган одат чиқарди. Йўғ-э, деб эътироз билдирди катталар. «Ишон-масангиз, ана, а я м д а н сўранг!.. Аямга ҳам ишонмасангиз, ана, знамдан сўранг!» деб дарҳол гувоҳларни гумондорга рўпара қиларди Дилёр. Гумондор билан гувоҳлар юзлаштирилгач, кўп нарса ойдинлашарди ва Дилёр ҳақ бўлиб чиқарди.

— Мен пякуйой бўламан! — дерди бунақа жараёнда ғолиб келган Дилёр.

Ҳ а й и т арафаси-

д а Катта дадаси Тошкентдан «Илон ўргатувчининг ҳалокати» номли китоб олиб борди.

Муаллифи — Муҳаммаджон СОИПОВ милиция майори экан. Китобнинг орқа муқовасида муаллифнинг қисқача таржимаи ҳоли билан сурати ҳам бор эди. Дилёр китобни дарҳол кўлига олди; муаллифнинг суратини кўрсатиб: «Шунақа пякуйой бўламан!» деди. У амакиваччаси-холваччаси Шалолахон ўрганган уч-тўртта лотин алифбосидаги ҳарфларни танир, криллчани ҳам лотинчага ўхшаш ҳарфларини кўрсатиб: «Манави «а», буниси «п», дерди. Аслида, «п» дегани — «р» ҳарфи бўларди. «Ир-р», дегин дерди Исомиддин тоғаси муғомбирлик билан. «Ир-р десам томга чиқиб кетасиз-да, тоға!» деб жавоб қайтаради Дилёр томда юрган мушукка ишора қилиб.

Китобни сандал устига қўйиб, варақларини бир-бир санай бошлади. Дилёрнинг машғулотини индамай кузатиб ўтирдилар. Дилёрнинг ҳисоби бўйича «29» дан кейин «70» бошланиб кетди. Аслида, китобнинг олтмишинчи саҳифасидан олтмиш биринчи саҳифасига ўтган эди, холос. Китобнинг битта варағи икки саҳифадан иборат бўлишини ҳам, қолаверса, саҳифа остида рақамлар ёзиб қўйилишини ҳам Дилёр билмасди. «Ноширлар ҳам ўзимиз қатори бўлса керак», деб гумон қиларди.

— Саводинг чалароқ, шекилли, жиян, пякуйой бўлиш учун кўп ўқиш керак, — деб насиҳат қилди Катта дадаси.

— Ие, пякуйой ҳам ўқиши керакми?! — деб юборди Дилёр бирдан китобдан бошини кўтариб.

— Бўлмасам-чи! — Ўқиш шарт бўлса, мен

товуқларимнинг тухумларини тўплаб нима қиламан?!

— Билмадим. Нима мақсадда тўплайсан? — деб сўради Катта дадаси ажабланиб. — Қачондан бери тўплайсан ўзи?

— Куздан бери тўплайман. Биз дадам билан бафуржа ҳисоб-китоб қилиб кўрдик: агар ўн етти ёшга киргунимча ҳар йили

уч юзу олтмиштадан (360) тухум тўпласам ва ўша тухумларнинг ҳар бир донасини эллик

сўмдан сотсам (Ик-

ром акам билан Холмурод акамлар тухумларни сотиб беришга кафолот бердилар), икки юз минг (200.000) сўм нақд пул бўлади! — деди Дилёр ишчанлик руҳида. — Унгача ўзим ҳам 4000 та тухум ейман...

— Ҳа-а, гап буёқда экан-да, жиян! Умуман, сени билганинг ҳам билган!

— Ана, пякуйой бўлишимга энди ишондингизми?!

— Ишондим-у, аммо бир жойда ўн бир йил туриб қолган тухум палағда бўлиб қолмасмикан?

— Э-э, харидор тухумнинг ичига кириб чиқармиди!

— Ўша пул долларга айлантирилса, қанча бўлади?

— Расмий курсда бир ярим минг бўлади.

— Ўн бир йилдан кейин-чи?

— Сўм билан доллар муносабати қанақа бўлишини билмайман-у, лекин доллар билан тухум бир-бирига тўғри пропорционал равишда ўсиб ёки камайиб боради.

— Ҳм-м, — деб зимдан Дилёрга назар солади Катта дадаси. — Чакки эмас, бозорбоп бола бўляпсан, жиян!

— Ҳа-а энди, замонни ўзингиз ҳам кўриб турибсиз-ку!

— Демак, ўқиш ниятинг йўқми?

— Ниятим бор, аммо жиддийроқ — яъни, бўладиган иш билан шуғулланаман.

— Шартнома асосида ўқийсанми?

— Уф-ф, ўқиб нима қиламан! Жуда шарт бўлса, бўпти, домлаларга бирров кўриниб келаман.


— Йўқ, барибир ўқиш керак.



ДИЛЁР «ПЯКУЙОЙ» БЎЛАДИ



Кенжа ФОЛБИН



СИНФДОШЛАР

Гоҳ уришиб, гоҳ ярашиб, Аразлашиб турсак ҳам, Қувончлардан синф қувнар, Ҳаммамиз бўлганда жам. Керак бўлса, ўртоқ учун, Жонни фидо этасиз. Кўрмасангиз таътил пайти, Соғинч мактуб битасиз. Ҳамма ҳавас билан қарар, Кўз тегмасин сизларга. Йигитлар ҳам ҳурматдадир, Билинг бизни қизларга Қириб қолса ўқитувчи

Ҳамма бўлур сукутда, Равшанжоннинг ҳаёллари Учиб юрар булутда, Дарс ўтгани ўқитувчи Денгиз бўлиб тошади, Гулузрахон ҳаёллари, Минг деворни ошади. Яна кимдир кечикибди Эшик пойлаб турибди. Гулчехрахон ҳаёллари, Ҳиндистонда юрибди Ёқутхон ҳам ишларидан Дарсга зўрға ортади, Сирожиддиннинг шўхликлари... Қизлар сочин тортади. Хуллас, билинг, бизнинг синф «Олтин» эмас дейсиз, «зар» Дарсга қулоқ солган фақат Яна ўша Музаффар! Ҳафа бўлманг ўртоқларим Балки бўлармиз даҳо, Умр ўтиб кетар экан, Ёшлик ўзи «бебахор»

Ҳамида ХАЙИТОВА, Фарғона вилоятининг Учкўприк туманидаги 9-ўрта мактабнинг 9-синф ўқувчиси.

ТЕНГДОШЛАРНИНГ ИЖОДИ

Мактаб даври ҳамма учун қизиқарли воқеаларга бойдир. Айниқса синфдошларнинг бир-бирлари билан ўзаро мунозара-баҳслари ҳамма-ҳаммаси ўчмас хотира бўлиб қолади.

Синфдошлар дарс пайтида бир-бирларига уй вазифаларини варақларга ёзиб отишлари ҳамда ўқитувчи сезиб қолса, журналга катта-кон «2» тушганлари эсдан чиқармиди?! Синфдошлар ҳақида гапириш кимга ёқмайди, дейсиз, қуйидаги шеърлар ҳам синфдошлар ҳақидадир.

ХАЙР, САЙР

Мен осмонда парвоз қилдим,
Учмоқ нима экан билдим.
Сен дўстим ҳам сайр этардинг,
Юлдуз билан шод кетардинг.

Сенга томон учдим, аммо,
Чиқиб қолди бир муаммо:
Ер узоклаб кетма деди,
Ахир ер ўз онам эди.
Мен қайтдим тез,
хайр дўстим,
Хайр энди сайр, дўстим...

Севара УСАНОВА,
Юнусобод туманидаги 258-мактабнинг 7-«А» синф ўқувчиси.

ЁШ ИҚТИСОДЧИ

YOSH IQTISODCHI

“Тонг юлдузи”га илова
иқтисодий газета



“НАСТАРИН” ТАРОВАТИ

1999 йил Президентимиз ташаббуси билан Аёллар йили деб эълон қилинди. Бу эса олам қуёши, келажак йўлини ёритувчи мактаб, юзларида кишига умид учкунларини сочувчи нур, қалбида меҳр, муҳаббат оламининг порлоқ юлдузи аёлларимизни янада руҳлантириб юборди. Шу муносабат билан Собир Раҳимов туманидаги 23-ўрта мактабда ҳам 9-11 синф қизлари аро “настарин” кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Бунда қизларимиз ўзларининг фаол иштироки, намунали хулқи, ўзбек қизларига хос миллий маданиятни ўзида мужассамлаштира олганликларини намойиш этдилар. Ватан ўз халқи билан муқаррам. Инсонлар эса хулқ-атворлари билан гўзал. Юртимизда ёшларга катта ишонч билан қаралмоқда. Келажакда эришилажак ютуқларнинг омили ҳам ана шу ишончда. Ана шу ишонч ва умидни оқлаш, бутун умримизни

она Ватанимиз, жонажон Ўзбекистонимиз равнақиға бағишлаш, фидойи ва ҳалол яшаш, ҳаётнинг ҳар қандай қийинчиликларининг дадиллик билан енгиб ўтиш эса биз ёшларнинг зиммамиздадир. Бундай камолотга етиш йўлида эса “Настарин” сингари кўрик-танловларнинг аҳамияти беқиёс.

Камола ОРТИҚБОЕВА,
Тошкент шаҳри,
Собир Раҳимов туманидаги
23-ўрта мактабнинг
7 - “А” синф ўқувчиси.

Истиқлол муждаси

“ЎЗДЭУавто”НИНГ ҚИЗЛАРГА СОВФАСИ

Бу йил республикамизда аёлларнинг қадри, ҳурмати ҳар томонлама ўз ўрнига қўйилиши шубҳасиз.

Хусусан, машҳур ЎЗДЭУ автомобиль корхонаси ҳам қизлар боп гўзал ва кўркем янги автомобиль ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқда. Уни “Матис” деб номладилар.

“Матис” ўзбек автомобилсозлигининг чинакам ютуғи бўлажак. Уни дизайни, қуввати ва чидамлиги ўзидан олдинги авлод - “Нексия”, “Дамас”, “Тико”лар эришган ютуқларга асосланган.

Сизга маълумки, 1996 йили илк бор ўзбек автомобилларининг қалдирғочлари - 20 мингта машина йўлга чиққан эди. 1998 йилда эса бу кўрсаткич 50 мингтага етди. 1997 йили ўзбек автомобилларидан минг донасини Россия харид қилган бўлса, бултур пўлат отларимизга 8 мамлакат харидор бўлди. Ҳа, бугун Ўзбекистон тулпорлари Хитой, Россия, Украина сингари мамлакатларда “от чоптириб” юрилди.

Ўтган 3 йил давомида Андижон ва Фарғона вилоятларида “ЎЗДЭУавто” заводига ҳамкор корхоналар куриб ишга туширилди. Улар автомобилларга бутловчи қисмларни ишлаб чиқаришмоқда. Бу автомобиллар таннархини арзонлашувига имкон яратди. Кўпдан кўп одамлар янги иш билан таъминландилар.

Жиззахда америкалик ҳамкорлар билан биргаликда аккумулятор заводи курилмоқда. У ишлаб чиқарадиган аккумуляторларнинг 10 фоизи “ЎЗДЭУ” автомобилларини қоплайди, 40 фоизи эса мамлакатимиз автоуловчиларининг жонига оро киради. Қолган 50 фоиз аккумуляторлар эса хорижга экспорт қилинади.

Янги аср бошларига келиб автомобиль қопламалари ҳам ўзимизда тайёрланиши устида лойиҳа ишлари олиб борилмоқда. Бу ерда самолёт қопламаларини тайёрлаш ҳам режалаштирилмоқда.

Қисқаси, сиз азиз бўлажак тадбиркорларнинг йўлингизни яқин қилиш мақсадида юртимизда кенг кўламли ишлар бошлаб юборилди. Бу удуғвор даврнинг илк бойчечаги, ўзбек автомобилларининг келинчаги “Матис” яқин орада хонадонларингизга кириб боради. Демак, машина ҳайдашни ўрганишга шошилинг!

Ана, “Матис” тайёрланмоқда.
Ёш иқтисодчи.



1999 йил — АЁЛЛАР ЙИЛИ

Орзу чўққиси

МЕНИНГ МУСИҚАМ

таётгандай энтиқиб кетаман. Шўх мусиқа ўйинга тортади, дилимни равшан қилади. Вазмин мусиқани эшитсам, ҳаёлга чўмаман. Менинг орзуим - аяжоним учун мусиқа басталашдир. Чунки аяжонимни жуда яхши кўраман. Улар Умиджон акам, Марғубахон опам, синглим Муаззамхон ва мен учун жонларини ҳам аямайдилар. Агар бирортамиз бетоб бўлиб қолсак, атрофимизда парвона бўладилар. Бизнинг келажакимиз учун қайғурдилар. Кўп ўқимизни, яхши инсон бўлиб етишимизни хоҳлайдилар. Шунинг учун ҳаммамиз ўқишдан ташқари турли тўғарақларга қатнашамиз. Умиджон акам мусиқа мактабини тамомладилар. Опам чеварчиликни ўрганиптилар. Мен дарсдан сўнг Булоқбоши райониға қарашли 14-мусиқа мактабининг 5-синфида ўқийман. Пианино бўлимида ўқиб, машҳур композиторларнинг мусиқаларини чалишни ўрганишман. Ўқишимни тамомлаб, мусиқа ҳақида тўлиқ билимга эга бўлганимда аяжоним учун куй ёзаман. Аяжонимга бўлган бутун меҳрим жўш уриб туради менинг мусиқамдан.

Марҳабо ЮСУПОВА,
Булоқбоши туманидаги
13-ўрта мактабнинг
7 - “Б” синф ўқувчиси.

ЎҚИШ „КАСАЛИ“

Яқинда бир мақола ўқиб қолдим. Унда ёзилишича, япониялик болалар “ўқиш касали”ға дучор бўлишган экан. Яъни, ҳаддан зиёд кўп китоб ўқишаркан. Очиғи, мана шундай “касал” тенгдошларимга ҳам юқишини чин дилдан истаб қолдим.

Бугунги кунда кўпчилик болалар китоб, газета-журналлар мутолаасига бефарқ қарашади. Бу эса улар тафаккурининг ўтмаслашиб қолишиға олиб келади. Чунки, матбуот, адабиёт фикрни чархлайди. Дунёқарашни қенгайтиради. Маълумотга бой қилади.

Биз шиддатли даврда яшаймиз. Ҳаётимизда дақиқа сайин янгиликлар содир бўляпти. Бу янгиликлар газета-журналлар, китоблар орқалигина бизға етиб келади. Ўқимасак, даврдан орқада қоламиз.

Президентимиз ҳамиша юртимиз учун билимли ёшлар керак, деб таъкидлайдилар. Бунинг учун кўпроқ ўқиш, турли бадий китоблар мутолаа қилиш керак. Ниятим, ҳар бир ўқувчи китобга ошно тутинса.

Дилноза ҚАЮМОВА,
Қибрай туманидаги
25-лицей ўқувчиси.



мен мусиқани жуда яхши кураман. Мусиқа - санъатнинг тури. Унда оҳанглар ва товушлар катта роль ўйнайди. Оҳангларнинг паст-баландлиги, чўзиқ-қисқалиги, ритми ва темпи куйға маъно беради. Менға ана шундай маъноли куйлар жуда ёқади. Чунки одамзод ҳамма ҳис-туйғуларини ҳам сўзлар билан ифода қила олмайди. Мусиқа орқали эса энг нозик ҳолатларни: қайғуни, шодликни, нафосатни, муҳаббат ва севинчли етказиб бера олади. Шунингдек, шу мусиқани тинглаган одамға таъсир қилиб, тингловчини йиғлатиш ёки кўнглини ёритиши мумкин.

Мен ҳам доим шунақа ҳолатға тушаман. Бир мусиқани бир неча бор тингласам ҳам, худди биринчи марта эши-



**ДИҚҚАТ,
ТАНЛОВ!**

МАКТУБЛАРИНГИЗНИ
 КУЙИДАГИ МАНЗИЛГА
 ЮБОРИШИНГИЗ МУМКИН:
 700029, Тошкент шаҳри,
 Мустақиллик майдони,
 2-уй, 402-хона,
 (Музаффар ПИРМАТОВга)

Конкурс "Ёш иқтисодчи" илова газетаси ва конкурс лойиҳаси муаллифлари, фан номзодлари **Эргашвой САРИҚОВ** ва **Баҳодир ХАЙДАРОВ**лар билан ҳамкорликда уюштирилмоқда.
 Конкурс бутун ўқув йили давомида олиб борилади. Газетамизнинг ҳар бир сонидан конкурс топшириқлари ва бу топшириқларни бажаришингиз учун зарур бўладиган назарий матери-

аллар бериб борилади. Сиз, ўз навбатида, топшириқ варақаларини тўлдириб, тахририятга юборишингиз лозим. Агар газетамизга обуна бўлмаган бўлсангиз, ҳозирча мактаб кутубхонасидан газетани топиб, қўлда ёки ксероксда кўчириб олиб, топшириқ варақасини тўлдириб, бизга йўллашингиз мумкин. Оралиқ якунлар ҳар ойда эълон қилиб борилади. 3-4 та газе-

**ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИДАН БОШЛАНГАН
ДАВОМ**

20 - ДАРС

БОЙЛИК - ДАРОМАД МАНБАИ



Биз олдинги дарсларда даромаднинг бойлик манбаи эканлиги ҳақида, даромад қанча кўп бўлса, бойлик ҳам шунча кўпайиши ҳақида гапирган эдик.
 Ҳўш, қандай қилиб энди бойлик - даромад манбаи бўлиши мумкин? Куйидаги вазиятларни кўриб чиқайлик.

1-вазият: Айтилик, квартирада яшайдиган бир оила, ҳовли сотиб олиб кўчиб чиқди. Квартирани эса вақтинчалик яшаб туриш учун бир йилга бировга ижарага беришди. Ижарага олган киши бу квартирада яшаётгани учун ҳар ойда маълум миқдорда пул - **ижара ҳақи** тўлаб турадиган бўлди.

Демак, оиланинг мулки-бойлиги ҳисобланмиш квартира - оила учун ҳар ойда ижара ҳақи кўринишида даромад келтирадиган бўлиб қолди.

2-вазият: Бир киши "Damas" автомобили сотиб олиб, уни танишига ижарага бериб қўйди. Таниш ҳайдовчи машинада йўловчи ташиб, топган пулдан маълум миқдорда ижара ҳақи тўлайдиган бўлди. Бу ҳолда ҳам бойлик ҳисобланмиш мулк - қўшимча даромад манбаига айланди.

3-вазият: Айтилик, сиз 1000 сўм миқдорда пул жамғардингиз ва уни танишингизга қарзга бердингиз. Танишингиз бир ойдан кейин пулингизни қарз бериб турганингиз учун қўшимча ҳақ билан қўшиб 1200 сўм қилиб қайтарадиган бўлди. 200 сўм - қўшимча ҳақни **қарзнинг фоизи** деб аташади.

Демак, сизнинг жамғарган пулингиз, яъни бойлигингиз бир ойдан сўнг сизга фойз кўринишида даромад келтирадиган бўлади.

4-вазият: Эсоновлар оиласининг 50000 сўм миқдорда оилавий жамғармалари бор эди. Улар оилавий фирма очиб, тадбиркорлик билан шуғуллана бошлашди ва ўз пулларини фирма ҳисобидан ишлаб чиқаришга қўйишди ва йил якунига кўра, 110000 сўм даромад қилишди. Бу пулларнинг 50000 сўми оила жамғармаси эканлигини ҳисобга олсак, йил якунига кўра Эсоновлар оиласи 60000 сўм миқдорда фойда кўрган бўлиб чиқади.

Эсоновлар оиласининг 50000 сўмлик жамғармаси, уларнинг ишибилармонликлари орқасидан даромад манбаига айланиб, **тадбиркорлик фойдаси** кўринишидаги 60000 сўм даромад қилишлари имконини берди.

Демак, оиланинг бойлиги тадбиркорлик фойдаси кўринишидаги даромад манбаи бўлиши ҳам мумкин экан.

Шундай қилиб, оила даромадларини иш ҳақи, пенсия, стипендия, нафақалар билан бир қаторда, ижара ҳақи, фойз ва тадбиркорлик фойдаси кўринишидаги даромадлар ҳам ташкил қилар экан.

Иш ҳақи ва пенсияни кишилар ўз меҳнатлари эвазига оладилар. Стипендия, нафақалар эса давлат ёки корхоналар томонидан ёрдам тариқасида берилади. Ижара ҳақи фойз ва фойда эса мулкдан келадиган қўшимча даромад ҳисобланади.

Куйида Наргизалар оиласи мисолида бу оиланинг ўтган ойдаги даромадларини келтирамиз.

Наргизалар оиласи 8 кишидан иборат. Наргизанинг дадаси - 13000 сўм иш ҳақи олади. Онаси ёш укасини парвариш қилиш учун вақтинча ишламайди ва давлатдан 4000 сўм нафақа олади. Бувиси эса - 4500 сўм пенсия олади. Наргизанинг опаси - коллеж талабаси бўлиб, 2500 сўм стипендия олади. Наргизаларнинг шахсий дўконлари бўлиб, уни қўшинларига ижарага беришган. Ҳар ойда ундан 6000 сўм ижара ҳақи олишади. Буларнинг ҳаммасини жадвал кўринишида ёзиб жамлаб чиқсак, Наргизалар оиласининг ўтган ойдаги даромади 30000 сўмни ташкил қилишини топамиз.

N	Оила даромадлари	Сўмларда
1	Дадасининг иш ҳақи	13000
2	Онасининг нафақа пули	4000
3	Бувисининг пенсияси	4500
4	Опасининг стипендияси	2500
5	Ижара ҳақи	6000
Жами:		30000

Оила даромади қанча кўп бўлса, оила ўз эҳтиёжларини шунча тўлароқ қондиради, оила учун керакли турли хил буюм ва жиҳозлар харид қилади, ошиқча пулларини қўшимча билим олишга, маданий хордиққа, саёҳатга ва бошқаларга сарфлайди. Натижада даромаднинг кўпайиши оиланинг, оила аъзоларининг ҳам моддий ҳам маънавий бойликларининг ошишига олиб келади.

Демак, оила даромади қанча кўп бўлса, бойлиги ҳам шунча кўпаяди. **Бойлик эса тўғри ишлатилса, ўз навбатида даромаднинг ошишига олиб келади.**

20 - ТОПШИРИҚ

БОЙЛИК - ДАРОМАД МАНБАИ

1. Анварлар оиласининг 100 минг сўм пул жамғармаси мавжуд. Шу пулни қандай қилиб қўшимча даромад манбаига айлантириш мумкин?
 Жавоб:

2. Ихтирочи кашф қилган ихтироси заводга бир йилда 500000 сўм фойда келтирди. Агар ихтирочига шу фойданинг 5%и мукофот сифатида берилган бўлса, ихтирочи қанча мукофот олган?
 Жавоб:

3. Анвар оғайнисининг машинасини ижарага олиб, киракашлик билан шуғулланди. Анварнинг ижара ҳақи сифатида ойига 30 минг тўлагани яхшими ёки фойданинг ярмини берганими?
 Жавоб:

4. Нотўғриси топинг.

- A) Иш ҳақи бажарилган меҳнат эвазига
- B) Стипендия ёрдам тариқасида
- C) Нафақа ёрдам тариқасида
- D) Қарилик пенсияси ёрдам тариқасида
- E) Қарзнинг фоизи қўшимча даромад сифатида берилади.

5. Иш ҳақи, пенсия, стипендия, нафақалар, ижара ҳақи ва қарзнинг фойзидан бошқа яна қандай даромадларни биласиз?
 Жавоб:

6. Оиланинг бойлигини нималардан ташкил топшини аниқланг ва уларнинг қайсылари даромад манбаи бўла олишини изоҳлаб баён қилинг.

7. Куйида келтирилган оила мулклари қандай ҳолатда қўшимча даромад келтириши мумкин?

N	Мулк номи	Даромад келтириш усули
1	Енгил автомобил	
2	Томорқа	
3	Хонадон	
4	От-улов	
5	Жамғарма	
6	Кўй-кўзилар	

8. Бўгинлардан сўз тузинг.

БОЙ
 РО ДА МАНЬ
 МАД ЛИК БАИ

Исм-шарифингиз _____
 Манзилингиз, мактабингиз ва синфингиз _____



МАКТУБЛАРИНГИЗНИ
 КУЙИДАГИ МАНЗИЛГА
 ЮБОРИШИНГИЗ МУМКИН:
 700029. Тошкент шаҳри,
 Мустақиллик майдони,
 2-уй, 402-хона.
 (Музаффар ПИРМАТОВга)

**„ИҚТИСОДИЁТДАН САБОҚЛАР“ СИРТҚИ МАКТАБ КОНКУРСИ
 ЭТМОҚДА**

тада берилган топшириқларни тўплаб, 1 та хатжилда юбо-
 ришингиз ҳам мумкин.

Конкурс ташилотчилари ва ҳомийлар томонидан қуйидаги
 мукофотлар таъсис этилган:

1-ўринни эгаллаган ўқувчига -
 телевизор;



2-ўринни эгаллаган ўқувчига -
 стерео магнитофон;

фаол қатнашган 10 та ўқувчига -
 аудио-плеерлар

Конкурснинг якуний босқичи Тошкент
 шаҳрида 1999 йилнинг апрель ойида ўтказилади.



21 - ДАРС

ОИЛА ХАРАЖАТЛАРИ

Олдинги дарс охирида, бой бўлиш учун кўп даромад қилиш керак, деган хуло-
 сага келган эдик.

Хўш, бой бўлиш учун кўп даромад қилишнинг ўзи етарлими?

Йўқ, албатта. Кўп даромад қилиш билан бирга, қандай ва қанча харажат
 қилишни ҳам билиш керак. Чунки, одамнинг эҳтиёжларининг поёни йўқ. Қанча
 кўп пул топманг унинг миқдори барибир чегараланган. Агар ўйлаб, оқилона хара-
 жат қилмасангиз пулингиз барибир бориб-бориб қачондир тугайди. Халқимиз-
 нинг “Даромадга қараб - буромад”, деган мақоли ҳам бунни тасдиқлаб турибди.

Бойлик, бу мисоли бир кўл. Бу кўлга “Даромад” деб аталмиш дарё келиб қуй-
 илади. “Харажат” деб аталган дарё эса оқиб чиқиб кетади. Агар қўлдан чиқиб
 кетадиган сув, кўлга қуйиладиган сувидан кўп бўлса, кўл бир кун бориб қуриб
 қолади.

Бунинг олдини олиш учун ҳар доим келаётган “Даромадга” қараб “Харажат-
 ни” бошқариб туриши керак.

Оилавий харажатлар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олиш;
- кийим-кечак ва оёқ кийимлари сотиб олиш;
- хўжалик, маданий-маиший эҳтиёж моллари сотиб олиш;
- уй-жой, телефон, газ, электр энергиясидан фойдаланганлик ва маиший хиз-
 мат учун тўловлар;
- транспорт харажатлари;
- маданий хордиқ ва дам олиш харажатлари;
- даромад, мулк ва бошқа солиқ тўловлари;
- даволаниш харажатлари;
- таълим ва касб ҳунар ўрганиш харажатлари;
- уй-жой сотиб олиш ёки қуриш харажатлари;
- автомобиль, қимматбаҳо уй жиҳозлари ва буюмлар сотиб олиш;
- тўй ва ҳар хил маросимлар ўтказиш харажатлари;
- қарз фойзаларини қайтариш тўловлари.

Умуман олганда, харажатлар кўламининг поёни йўқ. Даромадимиз эса чега-
 раланган. Шу сабабдан, оила хўжалигини юритаётганда ҳар сафар қайси эҳтиё-
 жларни биринчи навбатда қондиришимиз кераклигини танлашимизга тўғри ке-
 лади. Қуйида яна Наргизалар оиласи мисолида, бу оиланинг ўтган ойдаги хара-
 жатларини келтираимиз.

N	Оила харажатлари	Сўмда
1	Озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олишга	15000
2	Кийим-кечаклар сотиб олишга	3000
3	Транспорт харажатларига	3000
4	Уй-жой коммунал хизматлари учун тўловлари учун	2000
5	Маданий-маиший эҳтиёж моллари сотиб олиш учун	2500
6	Маданий хордиқ харажатлари учун	1500
7	Солиқлар учун	2000
Жами:		30000

Кўриб турганингиздек, бу оиланинг жами даромадлари миқдори, жами хара-
 жатлари миқдорига тенг.

Бу оиланинг даромадлари харажатларидан кўп бўлса, нима бўлади? Бу ҳолда
 қанчадир пул ортиб қолади. Бу пулни тўй қилиш учун, янги иморат қуриш учун,
 қимматбаҳо буюм, мебель, шахсий компьютер, автомобиль кабиларни сотиб олиш
 учун жамғариш мумкин.



21 - ТОПШИРИҚ

ОИЛА ХАРАЖАТЛАРИ

1. Оилавий харажатларга бешта мисол келтиринг.

1 _____
 2 _____
 3 _____
 4 _____
 5 _____

2. Ота, она, ўғил (8-синф ўқувчиси) ва қиз (5-синф ўқувчиси)дан
 иборат оилада палов пиширишга қандай харажатлар кетишини
 жадвал кўринишида ифодаланг.

N	Харажатлар	Миқдори	Нархи
1	Гўшт		
2	Гуруч		
3	Ёғ		
4	Туз		
5	Сабзи		

3. Оилангизда сиз учун қандай харажатлар қилинади? Давлат
 сиз учун қандай харажатлар қилади?

Жавоб:

4. Анварлар уйининг электр ҳисоблагичи 1 сентябрда 8330ни, 1
 октябрга келиб эса 8780 рақамини кўрсатган. Агар 1 квт. соат
 электр энергияси нархи 3 сўм бўладиган бўлса, сентябрь ойи учун
 ҳисоб варақасини тўлдириг.

	Сана	Ҳисоблагич кўрсаткичи
Ҳисоб кўрсатишигача		
Ҳисоб кўрсатишидан		
Тафовут квт.соат		
Пул миқдори		

5. Оилангиз билан дам олиш режасини тузиб, харажатлар рўйха-
 тини тузинг.

Жавоб:

6. Қимматбаҳо уй жиҳозлари ва буюмларни сотиб олиш сизнинг
 оилангизда қандай кечади? Катталардан маслаҳат сўрашни унут-
 манг.

Жавоб:

7. Кўпчилик оилаларда қишлоқ картошка, сабзи, пиёзларни
 кўтарасига кузда сотиб олинади. Бунинг сабаби нимада деб
 ўйлайсиз? Лекин бу тадбирни қилмайдиган оилалар ҳам бор? Кей-
 ингилар нима учун шундай қилади? Сизнинг уйингизда яна қандай
 маҳсулотлар қишга ғамлаб қўйилади?

Жавоб:


8. Нима учун одамлар давлатга ҳар хил солиқлар тўлайди? Бу
 саволнинг жавобини катталардан билиб олиб баён қилинг.

Жавоб:

Исм-шарифингиз _____
 Манзилингиз, мактабингиз ва синфингиз _____



ЭХ, ҚИЗЛАР,
ҚИЗЛАР



Менинг жуда ҳам кўп дугоналарим, таниш қизларим бор. Уларнинг ҳаммаси ўзига хос хусусиятларга эга. Масалан, бири яхши хулқли, бири ёмон. Мен ҳозир айримларини айтиб ўтаман. Баъзи қизлар кўпчиликдан ажралиб чиқиб юради. Бу қизларнинг исмларини келтирмайман. Чунки улар, бутун мактаб, синф олдида изза бўлиб қолишини хоҳламайман. Улар жанжалкаш, ғийбатчи, ўз сўзини ўтказишга ҳаракат қиладиган, бошқаларни менсимайдиган, яъни қизлар ва болаларга бурнини учиди қарайдиган қизлардир. Уларнинг ҳам ўзига хос яхши одатлари ҳам бор. Шундай гаплар айтишдаки-ки, менинг нафсониятимга тегиб кетади.

Мен яна бошқа хулқдаги умуман беозор қизларни гапириб ўтмоқчиман. Бу қизлар менинг дугоналарим. Уларнинг исмлари: Наргиза, Гулчеҳра, Хуршида, Инобат, Хилола, Саида ва яна менга сирдош дўст бўлиб қолган, сизларга таниш бўлган Нигора. Бу қиз жуда саҳий ва меҳрибондир. Тўғри, ҳаммининг ҳам камчилиги бор. Масалан, ғийбат қилиш, уришқоқ ва аразчи, лекин барибир бу қизлар бошқаларга қараганда менинг юрагимда алоҳида ўрин тутаяди. Мен сизларга Нигора ҳақида бир-икки оғиз сўзлаб бермоқчиман. У қиз ҳеч кимга озор етказмайди, ҳеч кимни хафа қилмайди. Кўнгли пок қизлардан бири. У дўстлари хоҳ бой бўлсин, хоҳ-камбағал, ҳеч кимни ажратмайди. Қанийди, Оллоҳим ҳаммани шундай қилиб яратса-ю, ҳамма аҳил, иноқ бўлса. Ҳа, дарвоқе мен "Тонг юдузи" рўзномасидан "Китоб совға эмасми" номли бир мақолани ўқидим ва жуда ҳам таъсирландим. Бу мақолада мен айтиб ўтган қизларнинг хулқи ҳақида фикр юритилган экан.

Истардимки, бундай ёмон одатларни иложи борича йўқотишга ҳаракат қилинг қизлар (синфдош қизлар сизларга ҳам тегишли). Азизлар мен айтиб ўтган қизлардан ташқари яна бошқа бир тоифадаги қизларни билсангиз, менга ёзиб юборинг, хатларингизни интизорлик билан кутувчи тенгдошингиз

Моҳира МИРСОАТОВА,
Тошкент шаҳридаги
300 - лицейнинг
9 - "А" синф ўқувчиси.

Хурматли ўқувчи! Менинг кўпгина мақолаларим, ҳикоя ва тайёрлаган тажрибаларим "Ёш иқтисодчи" газетасини сонларида чиққач, мен ўзим тўғримда ёзмоқчи бўлдим.

Мен - Муяссарова Феруза 1984 йилда Тошкентда туғилганман. Оилада 4 жонмиз. Бувим ва холам ҳам биз билан бирга туришади. Оилада 2 фарзандмиз - акам ва мен. Акам - Шухрат ТошДУ I-курс талабаси, мен эса Тошкент шаҳар Сирғали туманидаги 300-лицей мактабнинг 9-"З" синф ўқувчисиман. Ўзимни иқтидорли, аълочи ўқувчи деб мақтанмайман-у, ammo дарсларни ўз вақтида бажаришга, уларни мукамал ўрганишга ҳаракат қиламан.

Мен кўпроқ мусавирликка, актрисалик ва бастакорликка, умуман, санъатнинг барча турларига қизиқаман. Айниқса, театр ва кино санъати менда катта таассурот қолдиради. Асосан киноларда маҳорат билан ўйнаётган, ҳар бир образни аниқ ифодалашга ҳаракат қиладиган актёрларга ҳавас қилади киши. Қалбимнинг бир қисмида жо бўлган театр ва кино оламига бўлган ҳавасим тобора ортиб борса, бир қисмида шеърятга бўлган ихлос тобора кучайиб боради. Биринчи шеърим 1996 йилда ёзилган "Ассалому

алайкум" ва "Ёз" шеъри бўлиб, қуйидаги тўртлик - "Ассалому алайкум" шеърининг мисраларидан бири:

*Ассалому алайкум, деймиз биз
тонгга туриб,
Ассалому алайкум, деймиз
биз тушки вақтга
Ассалому алайкум, деймиз биз
кечда юриб
Ассалому алайкум, деймиз
биз қайта-қайта.*


Ёзган илк шеърларимдан сўнг мен "Дангаса", "Капалак", "Баҳор", "Хуш келибсиз", "Меҳмонлар", "Менинг мушугим", "Олов билан ўйнашма", "Кузнинг дарағи", "Муаллим" ва шу каби бир қатор шеърларни ёзишни давом эттирдим. Шеърят билан бирга ёшлигимдан учкун каби ёнган ва ҳозиргача олов каби гуркираб, порлаб келаётган расм чизиш истеъдоди ҳам бўш вақтларимда менга янада завқ бағишлайди.

Ҳа, бўш вақтларимда нафақат шеър ёзиш, ашула ва рақс билан, шунингдек расм чизиш билан ҳам банд бўламан. Ҳозирги кунда ҳам бўш вақтларимнинг 2/3 қисмини санъатга бағишлайман.

Овқат турларидан сўз очадиган бўлсак, ўзбек миллий таомла-



римиздан асосан мазали ош, димлама, мошхўрда таомларини хуш кўраман. Севимли фанларим инглиз тили, химия, астрономия. Ёқтирган гулим пушти ва оқ атиргул, жониворлардан эса оқ тулпордир. Табиат мавзусидаги барча кўрсатувларни кўриб ором оламан. Дўстликка келса, хуллас одобли, камтар, бир сўзли, ўйлаб гапирадиган вафоли инсонлар билан дўст тутинишни афзал кўраман.



Феруза МУЯССАРОВА.

СУНЪИЙ „ҚОР“

Керакли нарсалар:


1. Тарелка.
2. Бир неча гишт бўлакчаси.
3. Куруқ шох.
4. Ош тузи.
5. Ош қошиқ.
6. Синька.
7. Вазелин.
8. Пипетка.

Мана, қиш фасли ҳам кириб келди. Биз орзиқиб кутган янги 1999 йил ҳам. Қор ёнган дамларда одам беҳад хурсанд бўлиб кетади. Кўчадаги дарахлар ва ерлар оппоқ қор билан қоплаганини кўриб киши кўзи қувонади. Қор қандай ҳосил бўлади, дерсиз. Ваҳоланки, сиз бу саволга китобларда жавоб излайсиз ва албатта топасиз. Биласизми, оддий уй шароитида ҳам сунъий қор ҳосил қилиш мумкин экан.

Бир тарелкага бир неча гишт бўлакчаси солиб, унинг орасига куруқ новда ўрнатилади. Тарелка атрофига эса вазелин суртиб чиқилади. Гишт бўлакчаларига ва унинг атрофига ўн икки ош қошиқда озгина синька аралаштирилган ош тузи, тузнинг устига эса эҳтиёткорлик билан 6 қошиқ сув сепилади ва тарелка иссиқ ерга қўйиб қўйилади.

Ҳар куни пипетка орқали 1-2 қошиқ сув сепиб турилади. Эртасигаёқ "қор" ҳосил бўла бошлайди. 15 кунлар чамаси ўтгандан сўнра шох новдаси ва тарелка атрофи "қор" билан қопланади. Бу қандай ҳол дерсиз? Бу шундай содир бўлади: куруқ ош тузи сувни шимиб, унда эрийди. Ҳосил бўлган концентрик эритма парланиши натижасида гишт бўлакчари ва шох новдасида "қор" сингари оппоқ майда кристаллар ҳосил бўлади.

ЎЗИНГЎЗ
ТОПИНГ!



Бошқотирма

Бу ерда 9 та сайёра (ердан ташқари) ўз нурлари билан худди ўргимчак тўридай қуёшни тўсиб қўйишган.

Ушбу тўрда қандай шакллар мавжуд ва у қандай фигуралардан ташкил топган?

- а) фақат учбурчаклардан.
- в) тўртбурчак ва учбурчаклардан.
- с) турли шаклдаги учбурчаклардан, ромб.
- д) турли шаклдаги учбурчак, тўрт ва беш бурчак, трнсия, тенг ва тенг ёнли учбурчак, квадратлардан ташкил топган.



БИЗНЕС-СИНФ

ОҚ ЙЎЛ СЕНГА,

Класс!

Республикада болалар ва ўсмирлар учун рус тилида ҳам газета нашр этилишидан яхши хабардорсиз. У мустақиллигимизнинг дастлабки 7 йили давомида "Солнышко" номи билан машҳур бўлди.

"Солнышко" ўзининг серқирра мазмундорлиги, мақолалар ва маълумотларнинг болалар тилида, ихчам шаклда берилиши билан ўқувчилар меҳрини қозонган.

1927 йилнинг 4 ноябридан бошлаб нашр этилган газета собиқ шўро тузуми даврида "Пионер Востока", ундан олдин эса яна бошқа номларда чиққан. У қандай деб номланса-да, ҳаммиса Ўзбекистоннинг рус тилида аҳолиси болаларини эззуликка, билимга чорлаган.

1998 йил мазкур газета ва унинг мухлислари ҳаётида муҳим бурилиш йили бўлди: мамлакатимизда иқтисодий билим ва кўникмаларга бўлган

эҳтиёжнинг ортишини ҳисобга олган газета муассислари болалар ва ўсмирларни бозор иқтисодиёти ва бизнес сабоқлари, тадбиркорлик алифбоси билан таништириб боришга қарор қилдилар. Ва, бир йил "Солнышко" бағрида "Класс!" деб номланган илова газета нашр этилди. Илова газета тез орада оммавийлашиб кетди ва болаларнинг севимли нашрига айланди. Шунинг ҳисобга олиб, 1999 йилнинг 1 январидан бошлаб "Солнышко" билан "Класс!" битта газетачага айлантирилди. Ҳа, энди Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг рус тилида нашр этиладиган 16 саҳифали жиддий ва қувноқ, доно ва маслаҳатгўй ҳамроҳлари бор.

Оқ йўл сенга, "Класс!"

(Бугун сизни ана шу янги мазмун ва қиёфада чиқаётган "Класс!"нинг 4-сонини 2-саҳифаси билан таништирамиз).



ИҚТИСОДИЙ ЛУФАТ



БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ

БУХГАЛТЕРИЯ баланси ташкилот ёки корхоналар маблағининг ҳолатини: улар шаклланган ва йўналтирилган, муайян бир вақт оралиғида (асосан бир йилда) ишлатилган манбаларни акс эттиради.



САВДО-СОТИҚ БАЛАНСИ

Савдо-сотик баланси маълум давр ичида мамлакатимизга олиб келинган товарлар билан юртимиздан четга чиқарилган товарлар қийматлари орасидаги муносабатни кўрсатади. Масалан, четдан келтирилган (импорт) маҳсулотларга нисбатан четга чиқарилган (экспорт) маҳсулотлар кўплиги - фаол баланс дейилади. Бунинг акси эса - пассив баланс бўлади.



ТЎЛОВ БАЛАНСИ

Маълум давр ичида банк ҳисобига тушган тўловлар билан банк берган тўловлар орасидаги муносабат кўрсаткичи тўлов балансидир.

Агар банкдаги бирор ҳисоб рақамига келиб тушган тўловлар миқдори (суммаси) шу даврда банк берган тўловлар ва харажатлар миқдоридан кўп бўлса, бу фаол (актив) баланс бўлади. Тўлов баланси ҳақидаги маълумотлардан ишлаб чиқариш самардорлигини аниқлаш, банк фаолиятини баҳолаш, ташқи савдо-ни таҳлил қилиш каби жараёнларда фойдаланилади.

БАНК



Банк - мижозлар (ташкilotлар, корхоналар ва алоҳида шахслар)нинг вақтинча бўш пулларини (омонатларини) ишлатиб туриш ва пул муомаласи билан алоқадор бўлган қимматли қоғозларни чиқариш ҳуқуқи бор муассаса.

Банк, банкрот ва банкротлик бир ўзандан ясалган сўзлардир. У италян тилидан олинган.

Банк сўзининг луғавий маъносини англаш учун олис ўтмишга, ҳатто ҳали пул бўлмаган даврларга мурожаат қилиш зарур.

Чунки ўша қадим вақтларда ҳам одамлар орасида банк ишига ўхшаш ўзаро муносабатлар мавжуд эди. Шу сабабли банк сўзи ўша даврда англаган маъно ҳозир қулоққа ғалатиноқ эшитилади, чунки бу сўз маъносига кўчиш ҳолисаси юз берган.

Банклар дастлаб одамлар ўз олтинлари, қимматбаҳо буюмлари ва кейинчалик ортиқча пулларини асрайдиган жойгина эмас. Масалан, қадимги Грецияда ибодатхоналар банк вазифасини ўтаган. Аста-секин маҳсулот ишлаб чиқариш ривожланди, одамларда бир маҳсулотни иккинчисига алмаштириш эҳтиёжи туғилди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва бир маҳсулотни иккинчисига алмаштириш учун эса одамларга умумий алмаштирув ва тўлов воситаси - пул керак эди. Шу сабабли пулдор кишилар ўз пулларини қарзга бериб туриш ва эвазига аниқ бир тўлов (фоиз) миқдорига пул олишни ўргандилар.

Биринчи банкирлар судхўрлар бўлишган. Уларнинг бирор кишига берган пуллари ўша кундан бошлаб фоиз эвазига ўсиб борган.


Ҳозир банклар - анча мураккаб тизимли муассаса. Бироқ уларнинг вазифаси ўзгарган эмас: бугун ҳам банклар маълум муддатга қарз бериб турадиган жой. Бундай усулда пул олиб-беришнинг ўз номлари бор, яъни Кредит ва Қарз (Ссуда). Қарз беришни эса кредитлаш дейилади. Қарз берувчини эса (бу ўринда банкни) кредитор дейилади. Ссуда олган киши ёки ташкилотни қарздор деймиз. Ҳозир банкларда ҳамма жараёнлар компьютерлар ва бошқа замонавий техника воситалари ёрдамида амалга оширилади.

Банк фаолияти самарали бўлиши учун аввало кўп миқдорда пул жамғариш зарур. Бунинг учун эса қўллардаги пулларни банкка жалб этиш, уларни бир ерга жамлаш, сўнгра ишга солиш зарур.

Банкнинг ҳудди мана шу хусусияти унинг қадимги асли - дўконлик вазифасини эслатади. Чунки дўконларда сотувга қанча кўп ва ранг-баранг маҳсулотлар қўйилса, унинг харидорлари (мижозлари) кўп бўлган ва иш яхши юришган.

Энди Банкротлик, Банкрот сўзларини моҳиятини англаш мумкин. Маълумки, банк сўзи италянча banco - курси (ўтиргич), rotto - синган сўзларидан ҳосил бўлган. Бу ибора ҳозирги замонда корхона ёки фирманинг маблағи йўқлиги сабабли ўз қарзини уза олмаслиги маъносини англатади. Шундай қилиб, банкротлик - хонавайрон бўлиш демакдир.

БОШҚОТИРМАНИ ЕЧИНГ



Энига: 1 - маҳсулотни маҳсулотга табиий алмашув усули; 2 - таржима-си "оғирлик" маъносини берувчи французча сўз; 3 - қарага пул берувчи одам. **Буйига:** 1 - хонавайрон бўлган корхона.

Классиклар



АВАНС (БЎНАК)

Дадамнинг туғилган куни эди, меҳмон кутаётгандик. Онам ишдан келдилар ва уйимизда байрамолди таррадуди бошланди.

- Артём, - чакирди онам, - сен менга ёрдам бера оласанми?

- Албатта, - дедим мен.

- Картошка арч, ахлатни ташлаб кел. Мана бу сенга аванс. - Шундай деди-да, менга қаймоқли пирожное узатди. - Иккинчисини ҳамма ишларни бажариб бўлганидан сўнг оласан.

Пирожное юзидаги қаймоқни яларканман, мамнуликдан кўзларим чарақлаб кетди.

- Мана, аванс деганлари қандай яхши нарса экан, энди доим ҳар бир ишни аванс олишдан бошлайман, - дедим ўзимга ўзим.

- Нон олиб келгани ким боради? - деди дадам.

Биз, албатта, баҳслашиб-чуғурлашдик.

- Бас, - бизни тўхтатди дадам, - ким тополмаса, ўша бормайди.

Шундай деди-да, у ерга танга ташлади.

- Пунна! - дедим мен биринчи бўлиб.

- Чинна! - деди Дада қатъий.

- Аверс, - деди дадам тангани оларкан.

Биз ажабланиб дадамга қарадик.

- Аверс - танганинг рақамли томони, - деди у.

- Ура! - сакради Дада. - Аверс, бу - чинна деганику!

Мен индамай сумкани қўлга олдим-да, нон келтиргани дўконга кетдим.

АВАНС (французча - avance) - келажакдаги тўловнинг бир қисми сифатида олдиндан берилган бир қисм пул ёки қимматбаҳо буюм.

АВЕРС - танга ёки медалнинг олд томони.

РЕВЕРС - танга ёки медалнинг орқа томони.



БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТ



Истиқлол учун курашиш ва мажбурий хизмат мутлақо бир-бирига зид ҳаракат. "Янги дунё"да айнан мана шу икки оқим юзага келади.

Америка ўз мустақиллиги учун кураш бошлаган кезлари (1775й.) бу ерда 8500 британиялик аскарлар бўлган. 1781 йилга келиб бу рақам 48 мингга етди. Бу аскарлар ихтисослашган интизомли армияни ташкил қилган. Бу қўшин кўнгилдилардан ташкил топган эди. Улар жангларда қатнашсаларда, мудом уйлари, оила аъзоларини кумсар эдилар.

Янги армия қўшинининг лашкарбошиси Жорж Вашингтон эди. У қўшинга бошчилик қилган маҳали аскарлар сони 20 минг нафарга етган. Лекин бу сон муқим турмаган. Аскарлар келиб қўшинга ёзилар, маълум вақтдан кейин уйларига қайтар эдилар.

Ўтган вақт мобайнида Вашингтон ўз аскарларини интизом ва тартибқоидага ўргатди. Бунинг натижасида қудратли қўшин пайдо бўлди. Инглизларга эса қийин бўла бошлади. Уларга қурол-яроғ, отлар узоқ Англиядан - 5 минг километр наридан океан оша келтирилган эди. Боз устига, инглиз бошлиқлари аскарларга нисбатан яхши муносабатда бўлмаган. Интиҳо қўққис қарор топди. Вашингтон 16 минг америкалик ва франциялик аскарларни йигди.

Йорктаунда инглизлар қуршаб олинди. Генерал



Корнуоллис ўлдирилди. 1783 йилда Англия Версалида (Франция) Америка мустақиллигини тан олди. 1789 йилдан 1797 йилгача Вашингтон мустақил Американинг биринчи президенти бўлди.

БУРЖЛАРНИНГ НОМИ ҚАЙДАН ПАЙДО БЎЛГАН?




Aries

Нима учун аждодларимиз ўша юлдузлар туркумини айнан Бузоқ, Бургут, Қовға ёки Орион деб аташган? Буржларнинг турли халқлар тилларидаги номларини ўзаро таққослайдиган бўлсак, саволга жавоб топиш янада мураккаблашади. Қизиғи шундаки, айнан битта юлдузлар туркумини қадимги эллинлар ва Шимолий Америка ҳиндулари мутлақо бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда Айиқ деб номлашган.

Турли халқларнинг астрономияга оид билимларини ўрганиб ва ўзаро таққослаб кўраётганда биз осмонга гўё уларнинг кўзи билан қараётгандай бўламиз. Ва аста-секин улар қандай ўйлагани, дунёни қандай тасаввур қилгани, қандай кун кечиргани, нимага эътиқод қилгани ва нимани қадрлаганини тушуна бошлаймиз. Қадимги Миср астрономия ватани ҳисобланади. Қадимги мисрликлар Нилнинг суви тошини тонг отар пайтидаги энг ёрқин юлдуз - Сириуснинг чиқиши билан боғлашган. Осмон жисмлари ҳаракатини кузатиш астрономия соҳасидаги билимларга асос бўлди ва календарь тузишга ёрдам берди. Олимларнинг тахминича, илк календарь (тақвим) Қадимги Мисрда бундан 6000 йил муқаддам яратилган. Унда ҳисоб-китоблар ҳозиргидай ҳафтала билан эмас, ўн кунликлар билан юритилган ва йилнинг охирида яна беш кун қўшилган. Мисрликлар календарь ту-

заётиб, буржларни худолар, ҳайвонлар, нарсалар билан тасвирлашган, юлдузлар эса, бор-йўғи, "астрономик фан (орқа план)" бўлиб хизмат қилган.

ҚУЁШДАГИ ДОҒЛАР ҚАЙДАН ПАЙДО БЎЛГАН?



Машҳур италян олими Галилео Галилей 1680 йили биринчи марта ўзи ясаган телескоп ёрдамида Қуёшда доғлар борлигини кўрди. Доғлар телескопдан Қуёшнинг оқ гардишидаги қора тешиқларга ўхшаб кўринди.

Қуёшдаги доғларни ҳавонинг ҳар бир очик куни кузатиш мумкин. Уларнинг ўлчамлари ўзаро кескин фарқ қилади. Айримлари увқодай бўлиб кўринса, бошқаларининг ўлчами анча каттадир. Бир марта олимлар узунлиги 150000 км., эни эса 95000 км. катталикдаги доғни кузатишган.


Мунажжимлар доғларнинг пайдо бўлиши Қуёшда юз бераётган электромагнит жараёнлари билан боғлиқ эканини аниқ исботлаб беришган. Унга кўра, доғлар ҳаддан зиёд электрлашган материянинг улкан гирдоблари бўлиб, жуфт-жуфт ҳолида Қуёш қаъридан лотинча U ҳарфи кўринишида отилиб чиқади. Доғлар юзага келишида ҳосил бўлиб отилиб чиққан электр қуввати манфий зарядланган зарралар тарами - электронлар сифатида космик фазога тарқалади. Улардан айримлари Ер атмосфера-сига ҳам етиб келиб, турли ҳодисалар юз беришига сабаб бўлади.

Шундай ҳодисалардан бири Шимол ёғдусидир. Бундан ташқари, электронлар тарами радиотўлқинлар тарқалишига ҳалал беради, атмосферанинг юқори қатламларида озон қатламининг катталашшига сабаб

бўлади.


Қуёшдаги аксарият доғлар пайдо бўлганининг дастлабки кунлариёқ йўқолиб кетади, лекин айримлари икки ой ва ундан ҳам узоқроқ муддат сақланиб қолади. Улар дастлаб миқдор жиҳатидан кўпаяди, кейинчалик эса камаяди. Цикллар 21 йилдан сал ошиқ муддат давом этади. Ўтган асрнинг ўрталаридан бери улар доимий равишда кузатиб турилибди. Олимлар шу кунгача доғларни ва уларнинг инсон ҳаётига таъсирини ўрганиш билан машғул бўлиб келишмоқда.

ЕРДАН КЎРИНАДИГАН ЭНГ ЁРҚИН САЙЁРА ҚАЙСИ?



Ердан кўринадиган сайёраларнинг энг ёрқини Венера - Чўлпондир. Чўлпоннинг катталиги Ерники билан бир хил, унинг юзасида ҳам тоғлар ва саҳролар бор. Унинг атмосфераси захарли карбонат ангидрид газидан иборат. Ушбу газ шу даражада зички, ўзига келаётган иссиқликни тутиб қолади ва сайёра юзасини жуда қизитиб юборади. Чўлпон Қуёш система-сидаги сайёраларга қарама-қарши йўналишда айланади. Бунинг маъноси шуки, Қуёш у ерда Фарбдан чиқиб, Шарққа ботади.

КОМЕТА ПОРТЛАШ МУМКИНМИ?



Кўпчилик то шу кунгача, кометалар Ерда катта зиён етказиши мумкин, деб ҳисоблайди. Масалан, айна пайтда Ердан унчалик узоқда бўлмаган комета портласа, нима бўлиши мумкин?

Билишимизча, кометалар портламайди. Кометалар Қуёш атрофидаги ўз орбитаси бўйлаб маълум бир тезликда ҳаракат қилади. Кўпгина кометаларнинг орбитаси шу даражада чўзинчоқки, уларнинг шакли узайтирилган йўғон сигаретани эслатади. Кометалар орбитаси уларга яқин юлдузларнинг ёнидан ўтади. Комета ўз орбитасини бир марта айланиб чиқиши учун минглаб йиллар керак бўлади. Улар бутунлай кўздан йўқолгандай туюлади, аслида эса кўриш майдонидан чиқиб кетган бўлади.

Сайёраларнинг тортиш кучи кометаларга жуда қаттиқ таъсир қилади. Айрим кометалар бундай тортиш кучлари таъсирида ўз орбитасидан чиқиб кетади ва орбитаси қисқариб қолади. Масалан, Юпитер - Муштарий шундай йўл билан жуда кўп комета тўплаган, уларнинг ҳар бири Қуёш атрофида 6 йиллик давр билан айланади. Маълум бир вақт мунтазамлиги билан пайдо бўлиб турадиган кометалар даврий кометалар деб аталади.

Кометалар абадий йўқолиб кетиши мумкинми? Айримлари йўқолиб ҳам кетади. Мунажжим Вильгельм фон Биля 1826 йили ана шундай "йўқолиб кетган кометалар"дан бирини излаб топди. У бир неча бор пайдо бўлди, ҳар сафар пайдо бўлганида уни юзлаб мунажжимлар кузатишди. Сўнгра 1846 йили комета иккига бўлинди ва ундан иккита комета ҳосил бўлди. Ундан ҳам кейин Биля кометасининг икки бўлаги жуда кичик қисмларга парчаланиб кетди.

Мутахассислар, бу бўлақлар ноябрь охирида осмонда пайдо бўладиган метеорит ёмғирини ҳосил қилган, дейишади. Биля кометаси тарихидан шу нарса маълум бўладики, дарҳақиқат, кометалар йўқ бўлиб кетади; улар парчаланаяди, орбитасидан чиқиб кетади ва метеорит чангига айланади.



„ОИЛА ВА ЭКОЛОГИЯ



БОЛАЛАР НИГОҲИДА

Она табиат ва инсон. Бу мавзу ҳеч қачон тарихнинг бирон кунда унутилгани йўқ. Негаки, халқ тарихи - она табиатнинг ҳам тарихи. Асрлар оша ватанпарварлик туйғуси билан она табиатга меҳр-муҳаббат туйғуси бир-бири билан қондош, жондош бўлиб келган. Она табиатни асраш, халқ тарихини асраш демакдир.

Она табиат ҳақида, унинг "дардларини", "ҳасратлари", тақдири ҳақида қайғурмоқ пайти келди.

Маъсум Орол мадад сўрайди, ўз қирғоқларини ташлаб кетаётиб, зор-зор йиғлайди, фарзандларидан ёрдам кутади. Оролнинг суви қуримоқда. Нима учун? Оролни асраб қолиш керак. Бу каби сўзларни кўплаб эшитамиз.

Орол денгизи тарихан катта ҳудуднинг ўзига хос ҳаёт манбаи бўлиб келди. 60-йилларгача у ўз ҳолатини маълум миқдорда сақлаб, майдони 66 минг кв.км. ни ташкил қиларди, унга Амударё ва Сирдарёдан йилига ўртача 52 куб км. сув қуйиларди. Ундан ташқари 5 куб км. атрофида ёгин-сочиндан ва 1 куб км. сув ер остидан йиғилиб тўпланган. Минг афсуски, бу географик маълумотлар энди ўтмишни эслаб қайғуриш учунгина керак бўлмоқда. Кейинги 25-30 йил Оролни тугатиш ёки қуритиш даври бўлди. Жонкуяр олимлар ва мутахассисларнинг фикр ва мулоҳазалари, тақлифлари фақат қоғозда қолиб, "Орол денгизи ўрнида пахта етиштириш мумкин" каби фикрлар айтилди. Собиқ Шўролар даврида қабул қилинган қарорларни бажариш ўрнига сугориладиган экин майдонлари кенгайтирилди. Орол тақдирига бефарқ қаралди. "Чўлни гулистонга айлантирамиз, табиатни бўйсиндирамиз, ундан инъом кутиб ўтирмаймиз" каби шиорлар билан раҳбарларимиз ҳам, деҳқонларимиз ҳам айю-ханнос солишди. Кўп ерлар ўзлаштирилди. Туркменистон билан Қозоғистонда ҳам сувнинг қадами етган ерга экин экилаверди. Амударёни ҳам, Сирдарёни ҳам ўз ҳолига қўймай, "Қани, асов дарё бўлсанг, кучингни 20 асрнинг техникасига, одамларнинг қудратига кўрсатиб кўрчи!" деб, аввало сув омборлари қурилди, каналлар қазилди. Булар камлик қилганидек пахта, шоли экиладиган майдонлар кенгайтирилди. Хуллас, Амударё билан Сирдарёнинг сувини Оролга етказмасликка ҳаракат қилинди. Денгиз эса биздан ўпкалаб қоча

ОРОЛ ДАРДИ - ОЛАМ ДАРДИ

"Мана, Орол қуриб бормоқда, эссиз, Тополмай ётибмиз дардига чора, Ўзи ўз дардига тополмай даво, Биздан ёрдам сўраб Орол бечора".

УЙҒУН.

бошлади. Ҳозирги вақтда Оролнинг сув сатҳи - 32 метрга, сув ҳажми 400 куб.км.га, сув юзасининг майдони эса 32 минг кв.км.га, тушиб қолди. Денгиз сувининг шўрлиги ошди. Буларнинг ҳаммаси денгизда яшайдиган организмларга, биринчи навбатда қимматбаҳо балиқлар ҳаётига ва инсонлар ҳаётига катта салбий кўрсатди. Денгиз майдони 30 йил давомида 24 минг куб.км.га қисқарган. Денгиздаги кўпгина оролларнинг майдони кенгайган, баъзилари эса ярим оролга айланган. Орол тобора қуриб бормоқда.

Орол туфайли ер, сув, ҳаво таркибида чуқур ўзгаришлар рўй бериб, дарахтлар қуримоқда, ҳайвонлар қирилиб кетмоқда. Асрлар давомида одамларга қувонч улашиб келган денгиз қуриса, Орол атрофида турмуш кечираётган халқнинг ҳаёти ҳам оғирлашади. Турли хил касаликлар кўпайиб бориб, юртимиз келажаги бўлган болалар, оналар саломатлигига катта хавф тугдирмоқда.

Орол тақдири бу бизнинг миллий муаммомиз бўлиб қолмай, балки дунё халқларининг ҳам

ташвишга соладиган муаммодир. "Орол денгизи менинг уйимдан узоқда" деб хотиржам туриш ярамайди, зеро, табиат масофа билмайди. Орол ва унинг атрофидаги экологик аҳволни яхшилаш учун давлатимиз, хусусан юртбошимиз И.А.Каримов савобли ишларни бошлаб юборди. Ўрта Осиё давлатларини, чет эл олимларини ҳамжиҳатликда иш олиб боришга, муаммоларни биргаликда ҳал қилиш йўлларини топишга чорлади. 1993 йил март ойида Марказий Осиё давлатлари бошлиқларининг учрашуви бўлиб ўтди. Бу учрашувда Орол денгизи танглигини ҳал этиш юзасидан биргаликда ҳаракат қилиш тўғрисида Битим имзоланди. Орол денгизи муаммолари бўйича Давлатлараро Кенгаш ва унинг ишчи органи - Ижроия Қўмитаси, шунингдек Оролни қутқариш Халқаро фонди ташкил этилди. 1994 йилнинг январидан Нукус шаҳрида, 1994 йилнинг март ойида Тошховузда, 1997 йил февралда Алматида ана шундай муҳим учрашувлар бўлиб ўтди. Орол денгизининг тақдирининг муаммолари, ечимлари Президен-

тимиз И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида ўз ифодасини топган. Асарни ўқиш мобайнида шундай сатрларга кўзимиз тушади: "Орол танглиги инсоният тарихидаги энг йирик экологик ва гуманитар фожиалардан биридир".

Бугунги кунда инсонпарварлик, ватанпарварлик тушунчаларининг маъноси янада кенгайди. Эндиликда, ҳар бир одамнинг жамиятда тутган ўрни унинг табиатга муносабати орқали баҳолаш мумкин. Табиий географик хариталарни ўрганганимизда Ўзбекистонни сув ресурсларига танқислиги кўришиб туради. Оролни қутқариш ва унинг атрофидаги экологик бўҳронни йўқотиш учун бир неча тақлифларни киритаман ва фикр мулоҳазаларим билан ўртоқлашмоқчиман.

● Бир томчи сувни ҳам исроф қилмаслик керак. Сугоришнинг янги усулларида кенгроқ фойдаланиш зарур. Исроил давлатида пахта ва бошқа экинларни томчилаб сугоришар экан, бизда ҳам шу усулни тезроқ жорий этиш лозим.

● Амударё ва Сирдарё хавзаларини қаттиқ назорат қилиб, Оролга кўпроқ сув қуйиш мақсадлидир.

● Сув омборларини камайтириш, каналларни бетонлаштириш.

● Ўзбекистон катта ер ости суви захирасига эга, бу сувни Оролга буриш лозим.

● Олимларимиз ўсимликларни сув талаблик метёрини ўрғаниб чиқиши зарур.

● Оролни қутқариш учун Ўрта Осиё давлатлари катта миқдорда маблағ ажратиш, бу маблағлардан асло кечиктирмасдан фойдаланиш керак.

Юқорида айтиб ўтилган тақлифларни тезликда амалга оширсак, биз Оролни қутқариб қолган ҳамда Ўрта Осиё ҳудудида Қизилкум ва Қорақум чўллари оралигида "Оққум" чўлининг пайдо бўлишига барҳам берган бўламиз. Орол келажақда халқимизга кўпгина ажойиб инъомлар ҳада қилиши муқаррар. Оролнинг тақдири бу ҳар биримизнинг тақдиримиз. Биз ўзимизни, ўзлимизни сақлаб қолишимиз учун Оролни асрашимиз, унинг қуриб қолишига мутлақо қуриб қолишига йўл қўймаймиз лозим. Орол қуриса, халқимиз тарихининг ёрқин саҳифалари ҳам ўчиб кетиши мумкин. Демак, Орол яшаши керак. Сен омон қолсан, Бахри Азим.

Навбахор БОБОЖОНОВА,
Навоий вилояти,
Хатирчи туманидаги
74 - мактабнинг
7 - "А" синф ўқувчиси.





“ЁШ ИҚТИСОДЧИ”ГА МАКТУБЛАРИНГИЗНИ ҚУЙДАГИ МАНЗИЛГА ЮБОРИШИНГИЗ МУМКИН:

700029. Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 2-уй, 402-хона (Музаффар ПИРМАТОВга).


Тел.: (371) 139-49-32, 139-47-51. Факс: (371) 139-47-23.



ЖЕРРИГА ПИШЛОҚНИ ОЛИШГА ЁРДАМ БЕРИНГ



ИККИТА БИР ХИЛ ДҲМБИРА РАСМИНИ ТОПИНГ




ХИСОБЛАНГЧИ НЕЧТА ТҲРТБҲРЧАК БОР



УЙ ҚҲРИШГА ҚАЙСИ ЖИСМАЛАР КЕРАК ЭМАС



ИККИТА БИР ХИЛ РАСМИНИ ТОПИНГ



ЖЕРРИГА ПИШЛОҚНИ ОЛИШГА ЁРДАМ БЕРИНГ

ТИЛСИЗ ЁВ

Хавфсизлик қонун-қоидаларига риоя қилмаслик ва Давлат ёнғинга қарши назорат бўлимларининг талабларини ўз вақтида бажармаслик оқибатида шу йилнинг 25 кун ичида 150 та ёнғин содир бўлди.

Ёнғинларнинг кўпчилиги фуқароларнинг турар жойларида содир бўлди. Газли иситиш ва электр асбобларидан фойдаланишда, сигарета чекишда оддий ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик ёки уни кўр-кўрона бузишдан, электр симларининг қисқа туташувлари ва ёш болаларнинг гугурт ўйнашлари оқибатида ўт тушишлар содир



бўлмоқда.

Хар қандай ёнғин — йўқотишдир. Шунинг учун бор имкониятни ишга солиб, хавфсизлик қоидаларига амал қилинг. Ёнғин хавфсизлиги деганда;

ёш болаларни уйда ёлғиз қолдирмасликни,

уларга газ ва электр анжомларини ёқишни буюрмасликни,

гугурт ўйнашга йўл қўймасликни,

носоз электр анжомларини ўз вақтида кўздан кечириб, уларни тuzатиб қўйишни,

эскирган электр симларини алмаштириб туришни,

газли иситиш печлари мўриларининг соз, носозлигини текшириб туришни, газ плиталари устида кирлар қуритилмасликни,

ўчирилган сигарета қолдиқларини хар қаерга ташламасликни тушуниш керак.

Агарда ёнғин чиққудай бўлса, дарҳол 01 телефон рақами орқали ўт ўчириш хизматини ёрдамга чақириш керак.

Фуқароларимиз ўзларида озгина бўлса ҳам масъулият сезиб эҳтиёткор бўлсалар, ўзларининг ва фарзандларининг ҳаётларини, мол-мулкларини ўт балосидан асраб қолган бўладилар.

Э, қойил! Яна Янги йил келиб, бир ёшга улғайиб турибмиз-да! Нима дедингиз?

Фақат ёшимиз эмас, балки ақлимизга ҳам ақл қўшилган пайт бу. Чунки биз учинчи чоракни якунладик. Бу чорак эса-асосий чорак ҳисобланади. Барча билим кўникмаларига худди шу чоракда асос солинади. Мактабда олган билимимиз ҳам-давр ўзгаришларига мос.

Мамлакатимизда юз бераётган улкан узгаришлардан қолишмайди биз зришган ютуқлар ҳам!

Менинг хаёлимдан кечаги кунги воқеа ҳеч ҳам кетмаяпти: эрталаб мактабга шошилиб кетаётган эдим. Қиш кун эмасми, кўчаларда ҳали чироқлар ўчмаган эди. Шунда денг хазонларни, ўтинларни

ХАЛОВАТИНГИЗ ЙЎҚОЛМАСИН

тўплаб, ўт ёқиш учун гугурт уйнаб юрган болаларни уратиб қолдим.

Мен кўп қаватли «дўм»ларга қўшни бўлган маҳаллада яшайман. Шунинг учун ҳам бу ердаги болаларни яхши танийман-улар билан апок-чапоқ бўлиб кетганмиз. Уларнинг ёнига бориб «Болалар, ўт билан ҳазиллашманглар, бу яхшиликка олиб келмайди. Яхшиси, чуқур, қавлаб хазон, ўтинларни кўйиб қўя қолинглар», дедим. Болалар «хўп»деб бош силкиб қўйишди. Мен хотиржам тортиб йўлимда давом этдим.

Кечки томон уйга қайтишимда эса... Жуда ҳам хунук воқеанинг устидан чиқдим: айтсам-аввал кўриб кўзларимга ишонмаганим каби сиз ҳам ишонмайсиз. Е тавба! Унгимни ё тушимми? Эрталаб мен ўтган кўчани ҳозир таниб бўлмас эди; улардан бирининг деворлари хумрайиб турибди, қоп-қорайиб кетган, томлари ўпирилган... Ҳамма ёқ шалаббо, куйинди иси... Бу қайғули кўриниш одамларнинг юзига ўз аксини урган-афсусланиш аломатлари сезилиб турар эди.

Бу, ўша-менинг таклифимга «хўп» деб, кейин «хўп бўптимми, еб бўптимми», қабилда-ўз биланларича иш тутган бебошларнинг кўрсатган «каромати» эди. Ана улар-бир чеккада одамларнинг кўзларига қарай олмай, бошларини куйи эгганча, бурун тортиб ҳиқиллаб туришибди.

Мен уларга аччиқланиб қарадим: «Оббо кулоксизлар-эй!.. Эссиз ақл, эссиз фаросат... Бу нима қилганларинг?»

Мана, гулхан ёқиб, кўнгилхушлик қилишнинг оқибати!..

Куни кеча эса Ўзбекистон Республикасининг Ички ишлар вазирлигининг ёнғинга қарши кураш бошқармаси подполковниги Шокир Искандарович Мухамаджонов билан суҳбатлашдим.

— Шаҳар, қишлоқ, корхоналарнинг ўт ўчирувчилари ўз вазифаларини сидқидилдан бажариб келмоқдалар, — дейди Шокиржон ака суҳбат бошида.

— Кўпгина кўнгилсиз воқеалар катталарнинг эътиборсизлиги, болаларнинг улар руҳсатсиз ўт билан ўйнашлари оқибатида содир бўлади, дейишади...

— Жуда ҳам тўғри, биргина Юнусобод туманининг ўзида ўтган 1998 йил мобайнида 355 маротаба ёнғин содир этилган. Ундан етказил-

ган зарар эса 2 млн. сўмдан ортиқни ташкил этади. 5 киши ҳаётдан кўз юмган, 11 киши эса оғир жароҳатланган.

— Ахир бу оилалар ва давлат учун катта йўқотиш-ку.

— Нимасини айтасиз, моддий йўқотиш ўрнини тўлдириш мумкин. Лекин яқин кишилардан ажралиб ўрнини тўлдириб бўлмайди...

— Шокир ака, болалар ойнаи жаҳон орқали видеофильмлар, мультфильмлар кўришга жуда ишқибоз бўлишади. Лекин кўпинча уни электр тармоғидан узиб қўйишни «унутиб» — ухлаб қолишади. Оқибатда эса...

— Оқибати ёнғин келиб чиқишига сабаб

бўлади. Айниқса, болаларнинг газ плитаси ва электр иситкичлардан фойдаланишларига руҳсат берилмаслиги лозим. Чунки болалар шошилиб ўша иситиш воситалари ёнига тез ўт олувчи кийим-бошларини илиб қўйишади... Ҳамма фалокат ана шунда-да, бундай, қилиш ярамайди. Кўёшли қиш кунларида болалар уйга сиғишмайди-кўча, ҳовлиларда қандай ўйин билан машғул бўлишни билмасликлари тўғрисида ўт билан ўйнашадилар: гугурт топиб гулхан ёқишади. Натижаси эса яхшиликка олиб келмайди. Олди олиниши мумкин бўлган хунук ҳодисалар юз беради. Ахир, улар содир бўлмаслиги мумкин эди-ку.

— Болаларнинг ичида ҳушёр, ақллилари ҳам анчагина. Улар баъзида дадажонлари, буважонларининг ойнаи жаҳон рўпарасида бемалол ёнбошлаб олиб, тамаки тутадилар, деган койинишларни эшитиб қоламан.

— Уларнинг ташвишланишлари ўринли, албатта. Чунки уй ичида тамаки чекиш (умуман тамаки чекиш соғлиқка зарар!) чекувчи ва унинг атрофидагилар учун катта зарар. Кўпчиликнинг соғлиқига путур етади. Чекувчи қўлида чўғи билан ухлаб қолиши ва бунинг оқибатида эса кўнгилсиз ҳодиса рўй бериши мумкин. Мен ақл-идрокли болаларимизнинг зийраклиги-бу тўғрида огоҳлантиришларини катталар тўғри қабул қилишларини истардим.



ЁНҒИН ЧИҚҚАНДА НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?

1. Хонада ёнғин бўлаётган бўлса биринчи навбатда нима қилишингиз керак?

1. Ўт ўчириш хизматига кўнғироқ қилиш керак.
2. Инсонларни кутқариш керак.
3. Моддий бойликларни кутқариш керак.
4. Қўл остида мавжуд бўлган ўт ўчириш воситалари билан ёнғинни бартараф қилиш чораларини кўриш керак.

2. Ёнғинга қарши шит қандай ўт ўчириш анжомлари билан таъминланган бўлиши керак?

1. Лом — 2 та, 2. Илгак — 2 та, (багор) 3. Ўт ўчиргичлар — 2 та, 4. Белкурак 2 та, 5. Челақ — 2 та, 6. Болта — 1 та, 7. Бочкада сув, 8. Яшиқда қум,

Савол ва.. тўғри жавоб топиш сиздан

9. Кигиз.

3. Хонада газ ҳидини сезиб қолсангиз нима қиласиз?


1. Газ плитаси ва электр манбаларини ёқмаслик керак.
2. Дераза ва эшикларни очиб хонани шамоллатиш керак.
3. Оила-аъзоларини хавфсиз жойга чиқариш керак.
4. Газ хизмати мутахассисларини таклиф қилиш керак.
4. Сандалдан фойдаланишда эҳтиёт чоралари кўрилмаса қандай кўнгилсиз ҳодисалар юзага келиши мумкин?
1. Танчани устига ёпилган мато чўғга тушиб ёнғин содир бўлиши мумкин.
2. Танча атрофида ухлаб қолса оёғи чўғга тушиб куйиб тан жароҳати олиши мумкин.
3. Танча атрофида ухлаб қолса кўмирни иси уриши мумкин.
4. Танча атрофида ёш болани ётқизиб қаровсиз қолдирилса танча ичига тушиб кетиши мумкин.



ҚИЗИМ НИГОРА БИЛАН СУҲБАТЛАР

— Қизим Нигора! Биласанми туғилган кунингда дугонанг Динора Феруза опа «01» хизмати қандай ишлайди? — деб қизққан эди, лекин ўша кунни ўзинг кўздинг, иш кўп эди, яхшилаб тушунтира олмадим. Ўзинг яхшилаб гапириб тушунтириб бер дугонангга. Тошкент шаҳрининг барча туманларида туман ўт ўчириш қисмлари бор. Тошкент шаҳрининг барча ту-

манларидан 01 га кўнғироқ қилишганида Ёнғиндан сақлаш бошқармасининг куч ва воситаларни бошқариш марказига хабар келиб тушади. Бу марказ Шароф Рашидов шоҳ кўчаси 17 уйда жойлашган. Бу куч ва воситаларни бошқариш марказида иш 3 сменда ташкил қилинган бўлиб, асосан аёллар ишлашади. Мен бу аёлларни жуда яхши та-



нийман. Улар жуда меҳнаткаш, ўз ишининг моҳир усталари.

Бу марказда телефон пултлари, компьютерлар, шахримиз харитаси бор. Компьютерлар ишни тезлаштиришга жуда катта ёрдам беради. Шаҳримизнинг бирор-бир манзилдан ёнғин бўлаётганлиги тўғрисида хабар «01» га келиб тушса, радиоалоқачилар ўша манзилни компьютерга киритишади. Санокли сонияларда компьютер қайси қисмдан нечта ўт-ўчириш машинаси ва нечта бўлирма қиқишини кўрсатиб беради. Сўнгра узвит (прямой) телефонлар орқали ўша ўт-ўчириш қисмига хабар берилиб, машиналар чиқарилади. Рация орқали вазият билиб турилади.

— Опа ёлғон чақириқлар ҳам бўлиб турадиларми?

— Биласанми бекорчи болалар баъзан ёлғондан бирор бир манзилда ёнғин бўлаётган тўғрисида кўнғироқ қилишади. Бу қандай зарар эканлигини бу болалар тушунилмайди. Агар шу ерга яқин бирор манзилда чинакам ёнғин содир бўлса албатта машиналарни ўша ерга етиб боришига вақт кетади. Биласанми, Нигора, ўша ёлғон кўнғироқ қилувчилар тушунмайди, ёнғин бу тилсиз ёв уйда ёнғин содир бўлган кишиларнинг аҳволи қанчалик аянчли эканлигини. Ўтган 1998 йили шаҳримизда Тошкент шаҳрида 2573 та ёнғин содир бўлиб, ёнғинлардан келтирилган моддий зарар 22600818 сўмдан ошиб кетди, ёнғинларда 38 киши ҳалок бўлиб, 78 киши ҳар хил турдаги тан жароҳати олдилар.

Бу йил яъни 1999 йил шу кунгача 175 та ёнғин содир бўлиб, ёнғинларда 4 киши ҳалок бўлди...

Сенга, тенгдошларинга бу ҳақда яна кўп гапириш ниятидаман. Шунинг учун «Тонг юлдузи»ни ўқиб бор.

Саҳифани ички хизмат лейтенанти Феруза Саъдуллаева тайёрлади.

...Масалан, китобда келтирилган, эрамизнинг 79-йилида Италиянинг Неапол кўрфазида отилган Везувий вулкони ва бу ҳақда рус расмчи К. П. Брюловнинг «Помпейнинг сўнгги куни» деб номланган картина чизганини ҳамма ҳам билвермас керак. Акам картинани унчамунча санъатшуносдан қолишмай таҳлил қилардилар. «Вулқондан отилиб чиқаётган олов, тошлар, кулаётган иморатлар, хушдан кетганлар, ваҳимага тушиб қаёққадир қочаётган бир тўда одамлар, мадад сўраб худо-

бахслаша олардилар.

Яна бир китоблари «Матонат» ҳам зилзилага багишланган. Бу табиий офатдан халқимиз жуда катта зарар кўрди. Деярли вайронага айланган шаҳарни бутун мамлакат қайтадан кўрди. Бу ишда руслар, қозоқлар, украинлар, қирғизлар, белоруслар, тожиклар, қўйинги барча миллатлар жонбозлик кўрсатишди. Тошкент шарқдаги энг гўзал шаҳарлардан бирига айланди. Шухрат акам ўз китобларида ҳар бир республиканинг пойтахтимизни қайта тиклашда кўшган ҳиссасини аниқ маълум-

мумкин эмасди. Салгина ҳақиқатни айтадиган бўлсанг, бошингга Фитрату Чўлпонларнинг кунини солишарди. Акамнинг «Инсон эрки — ҳаёт кўрки» китоблари ҳам шу мафқуранинг меваси эди. Акам бу китобда чет давлатларда, хусусан, ривожланган капиталистик давлатларда инсон ҳуқуқи поймол қилинаётганини баён этадилар. Фақатгина социализм, социалистик жамият «инсонпарвар» эканлигини таъкидлайдилар. Акам китобни ёзишдан олдин жуда кўп фактлар тўплаган эди-



Бехрўза Қосимова

БЕҒУБОР ДАМЛАР

га илтижо қилаётганлар орасида биз рассом Брюловнинг ўзини ҳам кўраимиз. У мўйқалам ва бўёқлар солинган қутчасини боши узра кўтариб олган помпейлик рассом тимсолида. Брюлов тарихий ҳужжатларни ўрганиб, қазиб ишларида қатнашиб, картина мавзусига шунчалик берилиб кетганидан ўзини бўлиб ўтган даҳшатли воқеалар иштирокчисидек ҳис этган...

Кўриб турибдики, акам санъатни, айниқса, тасвирий санъатни чуқур тушунардилар. Санъаткорлардан, рассомлардан дўстлари кўп эди. Тез-тез уларни йўқлаб турардилар. Баъзан соатлаб улар билан санъат ҳақида

мотларда кўрсатадилар. Дўстлик, дўстларимиз туфайли офатни тез энгганимизни таъкидлайдилар. Узоқ йиллар олиб борилган коммунистик тарбия, коммунистик мафқура қон-қонимизга сингиб кетган эди. Бу иллатдан акам ҳам холи эмасдилар, албатта. Улар юқорида тилга олган китобларида халқнинг матонатли меҳнатини тасвирлаш билан бирга, бу ишда партиянинг, КПССнинг роли «юқори» эканлигини таъкидлашни унутмайдилар. Коммунистик партияни кўкларга кўтариб мақтайдилар.

У барча ишларимизнинг илҳомчиси, йўлбошчиси сифатида кўрсатилади. Бу даврнинг, тарихнинг хатоси эди, албатта. Ўша пайтларда бошқача ёзиш

№ дан № га

лар. Юзлаб чет эл газеталарида чиққан мақолалар билан танишиб чиққанларидан хабарим бор. Акам, асосан, ўша мамлакатлардаги вазиятни, халқнинг аҳволини, турмуш тарзини ёмонлаб ёзилган мақолаларни ўрганган эдилар. Чунки, ўша даврдаги вазият, сиёсат шуни талаб этарди.

1974 йили акам яна ишларини алмаштирадилар. Улар энди Ўзбекистон телевидение ва радиозастириш давлат қўмитасининг «Ахборот» редакциясида бош муҳаррир бўлиб ишлаб борадилар. Умуман,

акамнинг кейинги ҳаётлари бутунлай шу идора билан боғлиқ бўлди. Улар турли тахририятларда, турли лавозимларда салкам 22 йил меҳнат қилдилар. Ҳамма жойда уларнинг ўз ўринлари, мавқелари бор эди. Ҳеч қачон бош муҳаррирман, бўлим мудириман ёки «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» ман, деб ўзларини катта олмасдилар. Улар учун бош мезон, бу — журналистнинг иқтидори, таланти эди.

Шухрат акам Москва радиосининг «Маяк» эшиттиришини яхши кўрардилар. Бу эшиттиришнинг тезкорлиги, ҳозиржавоблиги акамга ёқарди. Балки, шунданми, саксонинчи йилларда у кишида Ўзбекистон радиосида ҳам шундай бўлим очилса фойда бўлди.

Умуман, инсоният ҳамиша орзу-ҳавас, ғоялар билан яшайди. Аммо, буларнинг ҳаммаси ҳам ўз-ўзидан амалга ошавермайди. Одам ўз ғояларини амалга ошириш учун кўп меҳнат қилиши керак.

«Машъал»ни ташкил қилиш ғояси Ўзбекистон телевидение ва радиозастириш давлат қўмитаси раҳбарларидан бири Расул Раҳмонов томонидан маъқулланган бўлсада, Москвада анча пайт ҳал бўлмади турди. Чунки шўролар даврида «ўзинг учун ўл етим» мақоли ҳукмрон бўлиб, чиқимли ҳар қандай ғоядан сўзсиз воз кечиларди. Лекин, акам Расул ака билан масъул идораларга лозим бўлса ўн марта қатнашардилар. Ўша кунларни яхши эслаймиз. Қачон кўрсам акам шошиб юрган бўлардилар. Сабабини сўрасам, ширин ташвишлар билан юрганларини, албатта, Ўзбекистон радиосида ҳам «Маяк»ка ўхшаган алоҳида канал очилса эришиш лозимлиги ҳақида сўзлардилар. «Бизда ҳамма имконият бор, — дердилар акам, — кадрлар ҳам етарли. Фақат очишга руҳсат керак. Ҳозирча беш-олти соатга ижозат беришса бўлгани. Кейин вақтини ўзимиз кўпайтириб оламиз».

СЕШАНБА, 2 февраль

Ўз.ТВ-1

10.05. «Янги алифбони ўрганамиз».

12.25. «Мактублар-кабутарлар».

20.10. «Оқшом эртаклари».

Ўз.ТВ-2

18.05. «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 17-қисм.

Ўз.ТВ-3

18.10. Болалар учун «Энди эртақ бошланади».

19.20. «Сен ҳақингда ва сен учун».

20.20. «Табиат шифохонаси».

Ўз.ТВ-4

16.50. «Мультсайёра».

20.45. «Хайрли тун, кичкинтойлар».

ЧОРШАНБА, 3 февраль

Ўз.ТВ-1

8.30. «Меҳригиё».

8.50. «Ўзбек телефильми» намойиш этади. «Афсонавий шаҳарда». «Бор эканда, йўқ экан».

10.30. «Алифбо сабоқлари».

12.05. Кундузги сеанс. «Кўпик» Бадийий фильм.

13.25. «Шоирлар — болаларга».

13.45. «Рақс, рақс, рақс...»

18.10. «Сени Ватан кутади».

20.00. «Таълим-тарбия миллий дастури амалда».

20.10. «Оқшом эртаклари».

22.20. «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал, 18-қисм.

Ўз.ТВ-2

«Янги авлод» студияси намойиш этади.

18.05. «Уйна болажон, уйна».

18.20. Мультфильм.

18.40. «Минг бир маслаҳат».

Ўз.ТВ-3

18.10. «Ёрилтош» Мультфильм.

Ўз.ТВ-4

16.50. «Мультсайёра».

20.45. «Хайрли тун, кичкинтойлар».

ПАЙШАНБА, 4 февраль

Ўз.ТВ-1

9.10. «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал 18-қисм.

«УМИД» намойиш этади.



10.25. «Соғлом авлод учун».

10.45. «Ватанпарвар».

12.25. Кундузги сеанс. «Икки дил достони» Бадийий фильм.

18.10. Усмирлар учун «Умид учкунлари».

20.10. «Оқшом эртаклари».

Ўз.ТВ-2

18.05. «Кусто командасининг сувости саргузаштлари» Телесериал, 18-қисм.

Ўз.ТВ-3

18.10. «Ёрилтош» Мультфильм.

19.10. «Билиб куйган яхши».

Ўз.ТВ-4

16.50. «Мультсайёра».

20.45. «Хайрли тун, кичкинтойлар».

ЖУМА, 5 февраль

Ўз.ТВ-1

10.05. «Немис тили».

10.35. Кундуз амакининг қиссалари.

10.50. «Маржон» телеклуб.

«УМИД» НАМОЙИШ ЭТАДИ:

12.05. «Вақтинг кетди».

12.25. «Кичкинтоймиз-гизингоймиз»

12.50. Кундузги сеанс «Есенин» Бадийий фильм. 1-серия.

18.10. Болалар учун «Бир сиким тупроқ».

20.10. «Оқшом эртаклари».

Ўз.ТВ-2

18.05. «Янги авлод» студияси намойиш этади.

«Уй вазифаси»

18.20. Мультфильм.

Ўз.ТВ-3

9.00. «Ёрилтош» мультфильм.

9.40. «Бешинчи ўлчов».

10.00. «Болажонлар экрани».

12.05. «Билиб куйган яхши».

18.10. «Ёрилтош» мультфильм.

Ўз.ТВ-4

16.50. «Мультсайёра».

20.45. «Хайрли тун, кичкин-

тойлар!».

ШАНБА, 6 февраль

Ўз.ТВ-1

«УМИД» НАМОЙИШ ЭТАДИ:

9.55. «Мен билган, билмаган дунё».

10.15. «Кўшигим, жон кўшигим».

11.45. «Шохрух» клуби.

13.40. Кундузги сеанс «Есенин» Бадийий фильм 2-серия.

18.00. «Беш бармоқ» тележурнал.

19.55. «Оқшом эртаклари».

Ўз.ТВ-2

«Янги авлод» студияси намойиш этади:

9.50. «Кусто командасининг сувости саргузаштлари».

Ўз.ТВ-3

19.00. «Ёрилтош» мультфильм.

11.00. «Болажонлар экрани».

18.10. «Ёрилтош» мультфильм.

18.35. «Табиат шифохонаси».

Ўз.ТВ-4

9.05. «Кино сайёраси».

11.05. «Инглиз тили сиз учун».

12.15. «Бинафша».

18.50. «Аралаш-қуралаш» журналидан қувноқ воқеалар.

21.35. «Биргалиқда куйлаймиз».

ЯКШАНБА, 7 февраль

Ўз.ТВ-1

«УМИД» НАМОЙИШ ЭТАДИ:

10.00. «Ватанимга хизмат қиламан».

11.00. «Болалигим-пошшолгим».

11.30. «Уйла, изла, топ!» телемусобақа.

14.35. «Қувноқ стартлар» телемусобақа.

18.00. «Олтин тож» телеуйин.

Ўз.ТВ-2

8.00. «Янги авлод» студияси намойиш этади.

10.20. «Кусто командасининг сувости саргузаштлари».

11.10. «Цирк, цирк, цирк».

13.25. «Синфдош».

Ўз.ТВ-3

9.00. «Ёрилтош» мультфильм.

11.10. «Болажонлар экрани».

15.50. «Еввойи табиат».

18.10. «Мультжумбоқ».

18.35. «Ақбарнинг саргузашти» телесериал.

19.10. «Табриклаймиз-қутлаймиз».

Ўз.ТВ-4

9.05. «Эртақларнинг сеҳрли олами».

10.45. «Жонли сайёра».

ДУШАНБА, 8 февраль

Ўз.ТВ-1

10.05. «Кундуз амакининг қиссалари» мультсериал.

20.10. «Оқшом эртаклари».

Ўз.ТВ-2

18.05. «Янги авлод» студияси намойиш этади

«Қувноқ учрашув».

18.25. «Мультфильм».

Ўз.ТВ-3

18.10. «Ёрилтош» мультфильм.

Ўз.ТВ-4

16.50. «Мультсайёра».

20.45. «Хайрли тун, кичкинтойлар».

СЕШАНБА, 9 февраль

Ўз.ТВ-1

9.10. «Кусто командасининг сувости саргузаштлари».

10.05. «Янги алифбони ўрганамиз».

«УМИД» НАМОЙИШ ЭТАДИ:

20.10. «Оқшом эртаклари».

Ўз.ТВ-2

18.05. «Кусто командасининг сувости саргузаштлари».

Ўз.ТВ-3

18.10. «Болалар учун «Энди эртақ бошланади».

20.20. «Табиат шифохонаси».

Ўз.ТВ-4

16.50. «Мультсайёра».

20.45. «Хайрли тун, кичкинтойлар».

Азиз ўқувчилар, сизлар учун ташкирлаган кўрсатувларимиз ана шулардан иборат. Уларни кундалик дарсларингизга ҳалақит бермаган ҳолда кўриш учун тавсия этамиз.

Кўрсатув ҳақидаги мулоҳазаларингизни «Тонг юлдузи» газетасига ва Ўзбекистон телевидениесининг «Умид» Бош муҳарририятига деб ёзиб юборинг.

Мактубларингизни кутамиз, азиз ўқувчилар!

Тохир МУЛЛАБОВ,

Ўзбекистон

телевидениеси «Умид»

Бош муҳарририятининг

гурӯҳ раҳбари.

Беихтиёр кўчада икки боланинг жанжаллашаётганини кўриб қолдим. Жанжалнинг сабабига қизиқиб уларга яқинлашдим:

- Папкамни уйимгача кўтариб борасан!
- Нега кўтарар эканман. Ўзинг кўтар.
- Сен менга гап қайтарма. Кўтар дедимми, кўтарасан.
- «Кучайган» бўлсанг ўзингга. Министр бўлсанг истаган одамнинг буюраверасан.

«Кучайган» болага итоат этмай гурурини оёқ ости қилмаган болакай билан суҳбатлашиш истаги туғилди. Аста унга яқинлашдим.

- Келинг, танишайлик.
- Жанжаллашаётганимиз учунми? Мени уришқоқ бола деб ўйламам. Иسمى Зиёдилла.
- Йўқ, сизга ҳавасим келди. Кўрқоқ эмас экансиз. Дўстингизнинг дўки ҳам сизга таъсир қилмади. Ахир папкасини ўзи ҳам кўтарса бўлади-ку.
- У ўзича синфнинг шефи. Ҳар кун папкасини болаларга кўтартиради. Қизлардан тайёр уй вазифасини кўчириб олади.
- Ҳозир нечанчи синфда ўқийсиз?
- 5-синфда ўқийман. Аввал Акмал Икромов туманидаги 81-мактабда ўқирдим. Янги жойга кўчиб келганимиз учун ҳозир Тошкент туманидаги 9-мактабда ўқияпман.
- Қайси мактаб сизга ёқди?
- Иккаласи ҳам ёқди. Аммо 81-мак-

табдаги 1-ўқитувчим Лазоқат Акбаровани жуда яхши кўрардим.

- Беш баҳо кўп қўйгандирлар-да?
- Фақат бунинг учун эмас. Лазоқат

— Наққошлик тўғарагига бориб Азамат акадан нақш чизишни ўрганапман. Бувам билан Абдулазиз қори отадан араб тилидан сабоқлар олаяпмиз.

- Китоб ҳам ўқийсизми?
- Адам банкда ишлайдилар. Аям шифокорлар. Шундан бўлса керак уйимизда китоблар кўп. «Бу ким, у нима?» болалар энциклопедиясини, ҳинд эртаклари «Жаннати одамлар» китобларини ўқиганман.

— Ҳозир қайси китобни ўқияпсиз?

- «Ғаройиб олам»ни.
- Китоб нима ҳақида экан?
- Рекордлар, қутилмаган воқеалар, ғаройиб ихтиролар ҳақида экан.
- Бирортасини айтиб берасизми?
- Майли, биласизми 1-июнь қандай кун?
- Болаларни ҳимоя қилиш Халқаро куниди.
- Тўғри, лекин бу кун Бенин жумҳуриятида «дарахтлар» куниди экан.
- Африканинг жазирама иссиғида сояни қидирган ҳар бир одам шу кун кўчат ўтказиш билан машғул бўлади.
- Зиёдилла билан яна узоқ суҳбатлашдик. У турли мавзуларда ўз фикрига, шахсий дунёқарашга эга эканлиги мени қувонтирди. Истардимки маърифат ва маънавият чашмасидан баҳраманд ўқувчиларимиз сафи кенга-яверсин.

ГУЛЮЗ.

«КУЧАЙГАН»НИНГ ПАПКАСИ

Юзма-юз

опа жуда меҳрибонлар. Уйимиз мактабга бироз узоқ эди. Қолган болалар ҳам турли жойлардан келишарди. Устозимиз ҳар кун тонгда бизни кўча бошида кутиб турардилар. Ҳаммамиз йиғилгач мактабга бирга кетардик.

- Мабодо устозингиз келмай қолсаларчи?
- Ҳеч қачон бундай бўлмаган. Ҳатто касал бўлиб ҳам бир кун дарс қолдирмаганлар.
- Янги мактабингизда ҳам шундай ўқитувчилар кўпми?
- Бор. Синф раҳбаримиз Санобар Шокирова меҳрибон, талабчан устозлар.
- Зиёдилла, дарсдан кейин нима ишлар қиласиз?

ОТАМ БИЛАН ФАХРЛАНАМАН

Отам Абдурасул Хасановни бизнинг Юнусобод туманимизда жуда кўп одамлар танийди. Мактабдошларим ҳам, синфдошларим ҳам мендан «отанг қандай қилиб майор бўлганлар?» деб тез-тез сўраб туришади. Мен уларга отам ёшлиқларида спорт билан кўп шуғулланганлари ҳақида гапираман.

«Отанг спортчи эмас, йўл назорати ходими-ку?» деб яна савол беришади. Мен эса «форма кийиб, погон тақиб юрганлар борки — ҳамма-ҳаммаси спортчи» — дейман дадамнинг гапларини такрорлаб.

Ҳа, отам эл тинчлиги, осойишталиги йўлида хизмат қилман деб ҳам жисмонан, ҳам ақлан бақувват инсон бўлиш учун жуда ёшлиқларидан ҳаракат қилганлар.

Спорт на фақат чиниктиради, балки иродани шакллантиради, билим доирасини кенгайтиради. Отам ўтган ҳафтада 36 ёшга тўлдилар. Уларни қутлагани уй-

имизга ўнлаб ҳарбий кийим кийган бақувват полковник, майорлар, лейтенанту, офицерлар келишди. Шунда уларнинг суҳбати, бир-бирлари билан қилаётган муомалаларига қараб, менинг ҳам уларга жуда-жуда ҳавасим келиб кетди. Шунда мен ҳам албатта катта бўлганимда ҳарбий кийим кийиб, ўз либосимга асло доғ туширмайдиган мард инсон бўламан, — деб ният қилдим. Бунинг учун эртароқ каратэ билан шуғулланаётганим, компьютер сабоқларини кунт билан ўрганаётганим учун ўзимдан хурсанд бўлиб ҳам қўйдим. Мен таъқвандодан нуфузли ўринларни эгаллаб, мактов ёрлиғи олганман.

Ҳа, мен ҳам келажақда отам каби одамлар ҳурмат қиладиган инсон бўламан! Туғилган кунингиз муборак бўлсин, отажон!

Жавлон ҲАСАНОВ,
Юнусободдаги 273-мактабнинг 6-синф ўқувчиси.

ФАРЗАНДИНГМАН

Она ватан

Доно ватан.

Ҳаммамизга

Хона ватан.

Онам каби

Бағринг очдинг.

Юрагимга

Меҳринг сочдинг.

Ўсмоқдаман,

Кучоғингда.

Яйраб-яшнаб,

Ҳур боғингда.

Халқимиз бор,

Мард бунёдкор.

Иш-меҳнатда,

Зўр ижодкор.

Ҳамма нарсанг,

Бисёр — бисёр.

Саодат ТОЖИ

Сенга шеърим,

Меҳрим нисор.

Беғубор ер

Осмонларинг.

Чегарада

Посбонларинг.

Қўриқлайди

Халқимизни,

Ер, сув ҳаво,

Ҳаққимизни.

Ватан доим

Юрагимда.

Орзу-ҳавас,

Тилагимда.

Пайвандингман,

Дилбандингман.

Она ватан,

Фарзандингман.

СИНФДОШЛАР КУЛАДИЛАР

Сухробнинг дадаси:

- Сухроб сенда 4 та олма бор. 1 та менга, 1 та ойингга, 1 та синглингга берсанг сенда қанча олма қолади?, — деб сўраса
- 3 та — дебди Сухроб.
- Нега?

— Чунки сиз билан ойим каттасизлар. Йиғламайсизлар. Шунинг учун олмаларни сизларга бермайман...

Ўқитувчи: Фейл деб нимага айтилади? — деб Фарҳоддан сўради.

Фарҳод: Думи, ҳартуми бор,

қулоқлари шалпайган, 400-500 кг чиқадиган ҳайвонга айтилади, — деб жавоб берибди.

Наргиза ОДИЛОВА
Навой туманидаги Амир Темур номли 4-мактабнинг 6-«Б» синф ўқувчиси.

Яралаш = Куралаш

Гуллар ҳаёт чиройи, айни вақтда шифобахш хусусиятга эга. Гуллар халқ табobatiда касалликларни даволаш учун азалдан қўллаб келинади. Шарқ табobatiда **МОЙЧЕЧАК** қайнатмаси билан шамоллаганда томоқ бурун чайқаш тавсия этилади. **НАЪМАТАК** дамламаси жигарга фойда бўлса, атиргул барги қайнатмаси бепуштлиқни даволашда ишлатилади. **ГУНАФША** ичак яраларига малҳам. **НИЛУФАР** шарбати иситмани туширади, оғриқларни қолдиради. **РАЙХОН** бавосилга даво, **ЯЛПИЗ** меъда касалликларида наф беради.

XVII асрда яшаб ижод этган, шоир ва табиб Саид Муҳаммад Хасрат «Тухфаи Хусайний» (Хусайний тухфаси) асариде гунафшанинг хосиятларини шундай таърифлайди.

- Ундан туғилади, ҳар дам тоза қон,
- Бош оғриқ йўқолар,
- боғланган замон.
- Иссиқдан юз берса,
- йўтал — тузатар, —
- Нафас йўллари яна юмшатар,
- Иссиқчан бўлса гар меъда наф этар,
- Ўпка шамоллашни яна даф этар.
- Шарбатида шундай хислат бор мудом,
- Буйрак оғриганда беради ором.
- Сафро учун яна сурги бўлар соз,
- Шарбати юмшатар ични қишу ёз.

XVI асрда яшаган, шоир ва табиб Ҳаким Давоий Ал-Фило-

ний «Фавойит Ал — инсон» (инсонларга фойдалар) китобида наъматакнинг фойдасини шундай таърифлайди...

- Ёсуманга ўхшаб, наъматак иши,
- Ёғида ҳам шундай бордир ўхшаши.
- Тўсиқ бўлса танда очади ҳар дам,
- Бир ичими бўлар, уни уч

этиборидан четда қолмаган.

- Гулзор ичра лола моҳир шифокор.
- Бу ҳикмат гулининг эшит, неси бор.
- Кўзларда юз берса кўз оғриқ, яра.
- Уни тузатмоққа доридир сара,

Тузатар қайнатиб унда ювилса.

Гулларда яна бир мўъжизавий қудрат борки, улар бебаҳо неъмат бўлиши билан бирга, маънавий озуқа ҳамдир. Нафоса-

сиз, қалбингизга нур энади.

Гуллар яна бир мўъжизавий қудратга эга. Дил розингизни гуллар билан изҳор этасиз. Уларда нозик ишоралар бор. Муҳаббат, қувонч, орзиқиш дилноласи, умид рамзи! Маъшукангизга қизил гул совға қилиб, муҳаббатингизни изҳор қиласиз, қўлига оқ гул тутиб, висолига ташналигингизни айтасиз. Сарик гуллар — айрилик, хижрон. Ҳатто ҳар бир гулнинг ўзига хос хусусияти — рози ҳам бор.

АТИРГУЛ — Қадимий юнонликлар учун атиргул баҳор, гўзаллик, муҳаббат, бокиралик ва ошиқ-маъшуклик рамзи ҳисобланган. Шунингдек тантановор маросимлар, дабдалалар тимсоли бўлган. Юнонлик келинчакни атиргул чамбараклари билан безатишган. Шунингдек уларнинг ақидаларига кўра атиргул — барча инсон борадиган охириги йўлни ҳам ифода этади. Греклар тобутни атиргулларга буркашган. Гўё марҳумнинг руҳига улар сокинлик, осойишталик бахшида этган. Азадорлар бош кийимига ва кўйлақларига атиргуллар тақишган. Бу билан ҳаёт ўткинчилигини ва барчанинг бу фоний дунёга меҳмонлигини ифода этишган. Қабрлар устига ҳам атиргуллар сепишган. Чунки у гуллар муқаддаслик ва покизалик рамзи сифатида Исо пайгамбар қонидан яралган, — деган ақида ҳам бор.



- грамм.
- Фасот бўлган хилтни, кувади тандан,
- Кувиб чиқар қурти бўлса бадандан.
- Яхши даво бўлар оғриса томоқ,
- Ёсумандан ортиқ бу қувват бироқ.
- Шангилласа қулоқ оғриса тиш,
- Кучсиз бўлса юрак — кетар бу ташвиш.
- ЛОЛА ҳам ота-бобомизнинг

- Бадан терилари қуруқшаб агар,
- Ёрилса ё тушса — фойда келтирар.
- Кўзининг қувватига қўшади қувват.
- Кўз нури кўпаяр, кўрмайди захмат,
- Ўликка гўёки берганидек жон,
- Уруги пес дардин қилади пинҳон.
- Совуқдан оёқ-қўл кафти ёрилса,

ти дилларга қувонч улашади, қалбларга ором ва севинч бахш этади, кайфиятни кўтаради. Гоҳо ҳаёт ташвишларини унутгани, табиат кўйинга чиқиб кетасиз. Ана шунда эзгуликни, осойишталикни табиатдан топасиз, гўё руҳингиз синиқ пайтда тошлар орасидан ёриб чиқиб, эндигина лаб очган бойчечакни кўрганингизда, севинчингиз ичингизга сигмай, кўзларингиз чақнаб кетади.

Нозик гулнинг нурга интилишидан қувват ва дилингизга шуур ола-

Қиш... Ташқарида оппоқ қор ёғмоқда. Деразадан ташқарига тикилиб ўтирибман. Қорни соғиниб қолишган маҳалла болалари қий-чув қилишиб қорбўрон ўйнашмоқда. Кимдир шериги билан қорбобо ясамоқда. Қайсиларидир чанғи учишмоқда.

Уларни кузатиб ўтириб ўз болалигим, қишлоғимизнинг қишлари, қиш билан боғлиқ хотираларим эсимга тушиб кетди.

Мен доим ўзимнинг қорбўрон ўйнаб юрган кезларимни эслар эканман, Эргаш бобо ёдимга тушади.

Биз қишлоқ болалари ҳам уззукун

СОҒИНЧ

шундимки, бобо ёлғизлигидан қисмати сабаб бўлиб бола кулгусига, бола меҳрига, оила бағрига ташна бўлган одам экан. Шунинг учун ҳам у бизни жони-дилидан севар, биз билан ўйнар, овунар, бир дамгина бўлса ҳам ёлғизлигини унутар экан. Шунинг учун ҳам тинимсиз Қорбобо бўлишга эринмас экан.

Ҳозир дераза олдида қор ёғишини, болаларнинг қор ўйинларини кузатиб ўтирарканман, мен болалигимни ҳам,

ҚИШ ХОТИРАЛАРИ

тугамайдиган қишлоқдаги рўзгор юмушларидан озгина бўшадик дегунимизча қишлоғимиз устидаги тепаликка югурар, у ердан оталаримиз 2—3 та ёғочни бир-бирига қоқиб, амаллаб ясаб берган чаналарда пастга қараб учишар, қорбоболар ясаб, қорбўрон ўйнардик.

Оналаримиз эса кўпинча орқамиздан: «Ҳой, кўзингга қара, қиш учун сенга яна бир марта этик олиб беришнинг иложи йўқ, жўжабирдай жон бўлсаларинг, этигингни эхтиёт қил», деб бақирганча қолишарди.

Тепаликда бизни ўртоқларимиз, янги йил бўлса-бўлмаса ҳар қор ёққанда бир қорбобо бўлаверадиган Эргаш бобо кутарди. Эргаш бобо қишлоқнинг бир четидаги уйда ёлғиз ўзи яшайдиган одам бўлиб, ҳар қор ёққанда биз болаларга ўз ҳовлисида етишган мевалардан озгина-озгина улашарди. Булар 2 та ёнғоқми, бир ҳовуч майизми, бир чақмоқ қандми бўлиб, бизнинг бошимиз кўкка етиши учун шунинг ўзи кифоя эди.

Ўшанда бола эканмиз-да, биз Эргаш бобонинг тез-тез Қорбобо бўлиб совға улашаверишининг сабабини тушунмаган, бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмаган эканмиз.

Энди мана йиллар ўтгач шуни ту-

болаликдаги ўртоқларимни ҳам, севимли, кадрдон Эргаш-Қорбобони ҳам соғинганлигимни ҳис қилдим...

Бу соғинч туйғуларини менинг қалбимга қор, қиш олиб келди. Қор ёғди, қор келди-ю, лекин болалик ҳам, Эргаш Қорбобо ҳам хотирага, ширин хотирага айланиб қолди...

Қор ёғади, қор ёғади
майин-майин,
Ўйларимни эркалайди
ёққан сайин.
Елиб-елиб учаётган учқун билан,
Қордай энгил туйғуларим
тушар ўйин.
Туйғуларим ўйин тушар
қувнаб-қувнаб,
Ёдга тушар болалигим қувноқ
кунлар.
Қор келди-ю, болаликнинг
ёдин олиб,
Кувноқ кунлар бўлиб қолди
бир хотира.
Қор шошади ер бағрига
сингмоқ учун,
Шошиб ўтган болаликка
ўхшайди у,
Қор тинади учқунлар ҳам
топар кўним,
Аммо менинг хаёлларим қолар
тўзиб...
 Саодат ДОНАБОЕВА.

«Ўзбектелефильм» студияси ижодий жамоаси мамлакатимизнинг кўплаб шаҳарларини болаларга таништириб бориш мақсадида туркум фильмлар ишлаб чиқара бошладилар. Айни кунларда эйтиборингизга ҳавола этишга тайёрланаётган фильм «Шаҳрим менинг Китобим» деб номланади. Режиссёр Баҳодир Аҳмедов, тасвирчи Баҳодир Назруллаевлар



**ШАҲРИМ МЕНИНГ
— КИТОБИМ**

томонидан суратга олинган фильмда Қашқадарё вилоятининг бетакрор гўшаси бўлмиш Китоб шаҳри ҳақида сўз юритилади. Фильм ижодкорлари бизларни бетакрор гўзаллик кашф этган, истиқлолдан сўнг янада гуллаб — яшнаётган гўшага олиб киради. Шаҳарнинг ишлаб чиқариши, қурилаётган янги иншоотлар, бир-бирини такрорламас бинолар, янгиланиш яратиш ишқи билан ёниб яшаётган китобликлар кўз ўнгимизда гавдаланади. Гўёки томошабинни мафтункор шаҳарга кириб боргандай ҳислар чулғаб олади. Шаҳарнинг тарихи, бугунги куни ҳақидаги ҳикоялар тасвирлар орқали кино мухлисларига тақдим этилар экан, ижодкорлар ўхшаши йўқ масканларга бошлаб кирадилар. Қисқа вақт мобайнида биз ўзининг тарихи, бунёд этилиши билан бугунги ривожланиши орқали мамлакатимиздаги кўркам шаҳарлардан бири бўлмиш Китоб ҳақида тўла тасаввурга эга бўламиз. Айниқса тобора гўзаллашиб бораётган шаҳар, унинг табиати, географик жойлашуви, иқлими ҳақидаги қизиқарли маълумотлар маҳорат билан олинган тасвирларда мужассам этилган. Бир сўз билан айтганда ижодий жамоа бизларни эртаклар мисол ўлка билан таништиришга муваффақ бўлганлар.

Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ.



Синф хонаси. Дарс бошланди. Ўқитувчи уй вазифаларини сўрай бошлади.
 — Ботиров.
 Ҳамма энгил тин олдида, китобларини ёпиб бир четга қўйди. Ботиров доскага чикди-да, бошини қашлаб деди:
 — Бугун жуда ҳам очилиб кетибсиз, Шарифа опа.
 Шарифа опа, кўзойнагини кўлига олиб:
 — Қани, бошла, Ботиров, — деди.
 Ботиров бурнини торти-да яна:
 — «Причоска»-нгиз ҳам чиройли. Меникидақа эмас.
 Ўқитувчи турди-да, ойна ёнига борди.
 — Нима, дарс қилмадингми?
 — Ҳа, — деди бақириб Ботиров. — Қойилман. Ҳеч нимани сиздан яшириб

бўлмайди. Тажрибангиз — олий.
 Ўқитувчи кулди-да:
 — Эй, Ботиров, Ботиров! Ҳеч бўлмаса картадан қаерда туришимизни кўрсат!
 Ботиров зўрға-зўрға топди.
 — Ўтир, — деди ўқитувчи —
 Уч...
 Танафусда Ботиров ўртоқларига мақтанарди.
 Шу вақт Шарифа опа секингина коридордан ўтиб борарди.
 — Жим! — ўртоқларини тинчлантирди Ботиров.
 — Бу кар холамиз икки қадам нардаги гапни эшитмайди.

Ўқитувчи тўхтади ва Ботировга: холанг икки қадам узокликдаги гапни эшитадди, дегандек маъноли қаради. Эртасига Шарифа опа яна Ботировни доскага чақирди. Ботировнинг
 ранги оқариб, худди девордек бўлди.
 — Кечагина доскага чикувдим-ку!
 — Мен яна хоҳлайман, — деди ўқитувчи ва мийиғида кулди.
 — Эй, сизнинг кулишингиз шунақанги чиройлики.
 — Яна нима — куруққина сўради ўқитувчи.
 — Яна сизнинг овозингиз

гиз ёқимли ва жарангдор, — хушомад қила бошлади Ботиров.
 Ўқитувчи:
 — Ҳа, яна дарс тайёрламабсан.
 — Сиз ҳаммасини кўрасиз, ҳаммасини биласиз, — деди секингина Ботиров. — Ҳайронман, нимага мактабда ўқитувчилик қиласиз? Менга ўхшаган кулоқсизларга бақириб, соғлигингизни ўйламайсиз. Сиз ҳозир денгиз бўйига бориб, дам олиб шеърлар ёзинг, ўзингизга ёқадиган яхши одамни учратинг...
 Калласини эган ҳолда, Шарифа опа ўйчан қоғоз устида қаламни юргизар эди. Кейин чуқур нафас олди-да, секингина:
 — Ўтир, Ботиров. Яна «Уч», деди.
 Ойгул КАЖАНОВА.

«ҲАҚИҚИЙ» БАҲО

ТОНГ ЮЛДУЗИ
Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТЕБУОТ КҮМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН»
ХАЛҚАРО ҲАЙРИЯ ҲАМФАРМАСИ

Бош муҳаррир: Умида АБДУАЗИМОВА

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ:
 Ўзлов САИДЖОНОВ, Омон
 МАТЖОН, Гулнора ЙҮЛДО
 ШЕВА, Ҳотам АБДУРАИМОВ,
 Инқилоб ЮСУПОВА, Далахон
 ЁКУБОВ, Иноят АБДУСОА
 ТОВА, Суннатилла ҚУЗИЕВ,
 Мукаррима МУРОДОВА,
 Оеруза ОДИЛОВА.

«ЕШ ИҚТИСОДЧИ»
 ИЛОВАСИНИ
 ТАЙЁРЛАГАНЛАР:
 Музаффар ПИРМАТОВ,
 Равшан ҚАМБАРОВ,
 Маҳлиё МИРСОАТОВА,
 Гулнора МУҲАМЕДОВА.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табок Буюртма — Г-0103.
 46.496 нусхада босилди.
 Қоғоз бичими — А-3.
 Босишга топшириш вақти 19.00
 Топширилди — 21.30
 Навбатчи Озода ТУРСУНБОВА

• Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137
 • Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
 • Нашр кўрсатқичи: № 64563
 • Телефон: 1-33-44-25
 • 1-36-57-91
 • 1-36-54-21